



**ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ
THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN
КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА**



**ЎЗБЕКИСТОН ГИЛАМДЎЗЛИГИ:
АСРЛАРГА ТЕНГДОШ АНЪАНА**

**CARPET MAKING OF UZBEKISTAN:
A TRADITION PRESERVED THROUGH CENTURIES**

**КОВРОДЕЛИЕ УЗБЕКИСТАНА:
ТРАДИЦИЯ, СОХРАНЕННАЯ В ВЕКАХ**

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ
THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN
КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА





ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ
THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN
КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА

ЎЗБЕКИСТОН ГИЛАМДУЗЛИГИ:
АСРЛАРГА ТЕНГДОШ АНЪАНА

CARPET MAKING OF UZBEKISTAN:
A TRADITION PRESERVED THROUGH CENTURIES

КОВРОДЕЛИЕ УЗБЕКИСТАНА:
ТРАДИЦИЯ, СОХРАНЕННАЯ В ВЕКАХ

XIV



«SILK ROAD MEDIA» • «EAST STAR MEDIA»

TOSHKENT • 2020

«Ўзбекистон ғиламдузлиги: асрларга тенгдош анъана» китоб-альбоми Ўзбекистон амалий санъатининг кизикарли турларидан бири – ғиламдузликка бағишланган. Муаллифлар мамлакатимиз худудида тўқимачилик билан шугулланган халқлар ғиламлари хақида маълумот берди, шунингдек айнан ўзбек ғиламдузлиги анъаналарига эътиборни қаратади. Ўзбекистон ғиламлари биринчи марта бу қадар тўла, барча турлари ва технологик хилма-хиллиги билан тақдим этилади.

Ушбу наизр нафакат олим ва тадқиқотчилар, балки Ўзбекистоннинг бой маданий меросига кизикувчи барча маҳаллий ва хорижий ўқувчилар, ёш авлод вакиллари учун мўлжалланган. Жаҳонда ўхшашли йўқ ушбу Лойиҳа мустақиллик йилларида яратилган имкониятлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек халқининг маданий, тарихий ва интеллектуал меросини асраб-авайлаш, бойитиши ҳамда янада қўпайтириши масалаларига бўлган шахсан эътибори туфайли амалга оширилмоқда.

Мазкур китоб-альбом ўқувчилари наизрга илова қилинаётган махсус хужжатли фильмлар ёзилган диск ёрдамида Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати хақида ўз тасаввурларини янада кенгайтиришлари мумкин. Шунингдек саҳифаларда 3D-форматида қўшимча визуал маълумотларни олиши учун планшет ёки смартфонда сканерлашга мўлжалланган махсус ёрликлар мавжуд.

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўналамларида» кўп жилдли туркуми Ўзбекистоннинг ноёб тарихий-маданий меросининг бошиқа намуналарига бағишланган китоб-альбомларни чоп этишини хал назарда тутди.

The book-album “Carpet Making of Uzbekistan: a tradition preserved through centuries” is devoted to one of the most interesting types of applied arts in Uzbekistan – carpet weaving. The authors give information about carpets that people of various ethnic groups used to weave in the territory of our country and also focus on the actual Uzbek carpet-making tradition. This is the first time ever that the carpets of Uzbekistan have been presented in all their diversity.

The publication is intended not only for members of the academic research community, but also for broad local and foreign audiences, as well as the young generation interested in the rich cultural heritage of Uzbekistan. The project without any analogue in the world is being implemented due to favorable conditions created in the years of Independence and to the personal attention of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to such issues as the careful preservation, enrichment and augmentation of tangible and intangible cultural heritage of the Uzbek people.

The readers of the book-albums may broaden their notion of the rich culture and art of Uzbekistan and watch the documentary on the disk attached to the book-album. The pages are also marked with special tags for scanning with a tablet or smartphone to get additional visual information in 3D-format.

The multivolume series “The Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections” provides for publication of other books dedicated to the unique masterpieces of the historical and cultural legacy of Uzbekistan.

Книга-альбом «Ковроделие Узбекистана: традиция, сохраненная в веках» посвящена одному из интереснейших видов прикладного искусства Узбекистана – ковроделию. Ее авторы дают информацию о коврах народов, занимавшихся ткачеством на территории нашей страны, а также акцентируют внимание на собственно узбекской ковровой традиции. Ковры Узбекистана впервые представлены столь полно, во всем видовом и технологическом разнообразии.

Издание рассчитано не только на представителей научно-исследовательских кругов, но и на широкую отечественную и зарубежную аудиторию, представителей молодого поколения, интересующихся богатым культурным наследием Узбекистана. Проект, аналогов которому нет в мире, осуществляется благодаря условиям, созданным в годы независимости, и личному вниманию Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева к вопросам бережного сохранения, обогащения и приумножения исторического, культурного и интеллектуального наследия узбекского народа.

Читатели смогут расширить свое представление о богатой культуре и искусстве Узбекистана, ознакомившись со специально снятым документальным фильмом, диск с которым прилагается к книге-альбому. Также на страницы нанесены специальные метки для сканирования планшетом или смартфоном для получения дополнительной визуальной информации в 3D-формате.

Многотомная серия «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира» предусматривает публикацию и других книг-альбомов, посвященных уникальным образцам историко-культурного наследия Узбекистана.



ISBN 978-9943-4866-1-4

- © «Zamon-Press-Info Nashriyot uyi» МЧЖ, Тошкент, 2020.
- © «Silk Road Media», «East Star Media» МЧЖ, Тошкент, 2020.
- © «Darakchi inform servis» МЧЖ, Тошкент, 2020.
- © Ўзбекистон ғиламдузлиги: асрларга тенгдош анъана, 2020.
- © Ф.Ф. Абдухоликов, Э.В. Ртвеладзе, Э.Ф. Гюль, Е.Г. Царева, 2020.



«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ЖАҲОН ТЎПЛАМЛАРИДА» ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

*Китоб – устоз... Китоб мутолаасининг ҳар бир сонияси
сени донишмандлик хазинаси билан ошно эта олади.*

Алишер Навоий

Ўзбекистон – дунё тамаддуни тарихида ёрқин из қолдирган буюк давлатлар вориси. Асрлар давомида унинг заминида ажойиб меъморчилик, санъат ва адабиётга оид асарлар яратилган бўлиб, улар ханузгача бутун дунёдаги Ўзбекистон халқлари маданияти ихлосмандларини хайратга солиб келмоқда. Ушбу меросни ҳаққоний ва ҳар томонлама ўрганиш нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳоннинг муҳим вазифаси ҳисобланади, зотан мамлакатимиз маданияти бутун инсониятнинг бойлигидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз ривожининг янги босқичи янги истиқболлар сари йўл очди. Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев ўзбек халқининг тарихий, бадиий ва маънавий меросини сақлаш ва янада кўпайтириш, ёш авлодни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида тарбиялаш масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Бугун мамлакатимиз жаҳонга юз тутмоқда. Бу сиёсат, ижтимоий соҳалар ва сайёҳликда кўзга ташланяпти. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар томонлама янгилиниши фуқаролик жамиятини фаоллаштирди. Пировардида мамлакатимизда янги, ажойиб воқелик – «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» мультимедиа лойиҳаси дунёга келди. Жамоат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, ижтимоий аҳамиятга молик тадбиркорлик тузилмалари унинг ташаббускорлари бўлдилар.

Лойиҳа замирида ушбу қадимий ўлкада яратилган, аммо баъзи сабабларга кўра хорижда сақланаётган Ўзбекистон маданий мероси дурдоналарини каталоглаштириш ғояси ётибди. Бу каби вазифани ҳали дунёнинг бирон бир мамлакати ўз олдига қўймаган эди. Тўпланган материаллар китоб-альбом шаклида нашр этилади. Лойиҳа доирасида ноширлик дастуридан ташқари, фильмлар ва телекурсувлар яратилмоқда, халқаро конгресслар ва медиа тадбирлар ўтказилмоқда. Лойиҳани Янги Ўзбекистоннинг ташриф қоғози деб аташ мумкин. У фуқаролик жамияти, жамоат, давлат ва халқаро ташкилотлар, ижтимоий аҳамиятга молик тадбиркорлик тузилмалари, ОАВ саъй-ҳаракатларининг бирлашуви маърифат ва таълим соҳаларидаги мисли қўрилмаган натижаларга эришиш имконини бериши намунасидир.

Режаларимизни амалга ошириш йўлида бизни турли мамлакатлар олимлари қўллаб-қувватлашмаса, олға ҳаракатлана олмасдик. Лойиҳа ташаббускорлари, таниқли фан ва жамоат арбобла-

ри, олимлар саъй-ҳаракатларни бирлаштирувчи жамият яратиш ғояси билан чиқдилар. Ушбу ғоя илк бор Самарқандда, Регистон майдонида бўлиб ўтган «Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» I Халқаро илмий-маданий конгресси (2017 йил май) да илгари сурилди. 2018 йилда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган II Халқаро конгресс доирасида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти ташкил этилгани расман эълон қилинди. Тарих бир мамлакат меросини ўрганиш учун бутун дунё олимлари жамланган бундай кенг қўламли воқеликни ҳали билмайди. Бутунжаҳон жамияти 2019 йилнинг август ойида Париж шаҳрида расмий рўйхатдан ўтказилди.

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳасининг биринчи натижалари дунё илмий жамоатчилигининг мамлакатимизга бўлган катта қизиқишини намойиш этди. Ва, албатта, ушбу Лойиҳа Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан ҳар томонлама мадад олмоқда. Давлатимиз раҳбари 2019 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг III Халқаро конгресс иштирокчиларига йўллаган мурожаатида таъкидлаганидек: «Маърифат ва таълимга қаратилган лойиҳалар қўлами жуда катта. Уларнинг амалга оширилиши биз учун нафақат шараф, балки Ўзбекистон келажагини белгиловчи асосий йўналишдир. Дарҳақиқат, маърифат ва таълим тинчлик ва яратувчиликка олиб боради».

Мазкур конгрессда олимлар мамлакатимиз раҳбарига Лойиҳа доирасида тайёрланган китоб-альбомлардан республика мактаб ва олий таълим муассасаларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш, шунингдек уларни мамлакатимиз ва дунё кутубхоналарига тақдим этиш ҳақидаги таклифни билдиришди. Таклиф олий даражада қўллаб-қувватланди, эндиликда «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» кўп жилдли туркуми белгиланган муассасаларга бепул тарқатилади.

Бутунжаҳон жамияти олимлари номидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришга йўналтирилган мазкур Лойиҳага шахсан эътибори ва қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирамыз. Лойиҳа узоқ йилларга мўлжалланган, негаки унинг мавзулари чексиз. Унинг фаолияти мамлакатимиз ўз аждодларининг қимматли тажрибаларини келажак авлодлар учун сақлаб қолиш йўлида барча имкониятларни ишга солаётганининг тасдиғидир.

Э. В. Ртвеладзе,

*Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш,
сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон
жамияти Илмий кенгаши раиси,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси академиги*

Ф. Ф. Абдуҳолиқов,

*Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш,
сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон
жамияти Бошқаруви раиси,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат курсатган журналист*

ABOUT THE PROJECT “CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN IN WORLD COLLECTIONS”

*The book is a teacher ...
Every moment it gives you the revelation of wisdom.*

Alisher Navoi

Uzbekistan has succeeded to the great states which added glorious pages to the history of world civilization. Amazing works of architecture, art and literature have been created in this country for centuries and they still delight those interested in the culture of the peoples of Uzbekistan worldwide. The objective and comprehensive study of this heritage is a topical task not only for Uzbekistan, but also for the whole world, since the culture of our country is the heritage of all mankind.

Since the Republic of Uzbekistan has gained independence, much is done in this field. At the same time, a new stage in the development of our country has opened up the new prospects. The President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev elevated the issues of the careful preservation, enrichment and enhancement of the historical, artistic and intellectual heritage of the Uzbek people, education of the coming generation on the basis of universal and national values to the rank of state policy.

Today, our country is opening up to the world. It is palpable in politics, in relations with neighboring states, in humanitarian sphere and tourism. The renewal of all aspects of public life leads to intensification of the civil society. It has resulted in the origin of a new and vivid phenomenon – the multimedia project “The Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections.” Initiators of the project are the social, non-governmental and international organizations, socially responsible business enterprises.

The project is based on the idea to catalog the masterpieces of the cultural heritage of Uzbekistan, created in this ancient land, but due to a number of circumstances, kept now abroad. A similar task has not yet been set by any country. The collected materials are published in the form of book-albums. In addition to the publishing program, films and television programs are produced, international congresses and media events are held. It is possible to name the project as the visiting card of new Uzbekistan, an example of how the consolidation of forces of the civil, public, state and international organizations, socially responsible business enterprises and the media allows achieving unprecedented results in the field of enlightenment and education.

It is important to emphasize that the project is socially oriented – all the publications are distributed to educational and cultural institutions of Uzbekistan and other countries of the world free of charge.

Implementing our plans, we would not be able to make progress without support of scholars from different countries. Being involved in activities of the project, they took the initiative to establish a society with consolidating functions. For the first time this idea was put forward in Samarkand in Registan Square during the First International Congress "The Cultural Heritage of Uzbekistan – the Way to Dialogue between Peoples and Countries" (May 2017). In 2018, at the Second International Congress, held in St. Petersburg, the establishment of the World Society for the Study, Preservation and Popularization of the Cultural Legacy of Uzbekistan was announced officially. There was no such large-scale phenomenon in the world practice, when scholars from all over the world came together to study the heritage of one country. In August 2019, the World Society received the official registration in Paris.

The first results of the activities of the project "The Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections" have demonstrated the huge interest of the world scientific community in our country. And, of course, the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev has supported the project entirely. The head of the state emphasized in his address to the participants of the Third International Congress of the World Society, held in Tashkent in August 2019, "The scale of the planned projects aimed at enlightenment and education is enormous. Their implementation is not only a matter of honor for us, but also the main vector that determines the future of Uzbekistan. Indeed, it is enlightenment and education that lead to peace and creation."

At the same congress, members of the World Society addressed to the leader of our country with the proposal to use album-books, prepared under the project as teaching aids for the schools and universities of the republic, as well as to provide libraries in our country and the world with publications. This proposal has been approved at the highest level, resulting in the multivolume series "The Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections" distributed in the mentioned institutions free of charge.

On behalf of the scholars of the World Society we sincerely thank the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev for the personal attention and considerable support of this project aimed at preserving, studying and popularizing the cultural legacy of Uzbekistan. The project is designed for many years, since the topics it raises are inexhaustible. The activities of project prove that our country does its best to preserve the invaluable experience and knowledge of ancestors for future generations.

*E.V. Rtveladze,
Chairman of the Academic Council
of the World Society for the Study, Preservation
and Popularization of the Cultural Legacy
of Uzbekistan, Academician of the Academy
of Sciences of the Republic of Uzbekistan*

*F.F. Abdukhaliqov,
Chairman of the Board of the World Society
for the Study, Preservation and Popularization
of the Cultural Legacy of Uzbekistan,
Honored journalist
of the Republic of Uzbekistan*

О ПРОЕКТЕ «КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА В СОБРАНИЯХ МИРА»

*Книга – учитель...
Каждый миг дарит она тебе откровения мудрости.*

Алишер Навои

Узбекистан – преемник великих государств, вписавших яркие страницы в историю мировой цивилизации. На протяжении веков на его земле создавались удивительные произведения архитектуры, искусства и литературы, которые и поныне восхищают поклонников культуры народов Узбекистана во всем мире. Объективное и всестороннее изучение этого наследия является актуальной задачей не только для Узбекистана, но и для всего мира, так как культура нашей страны – достояние всего человечества.

С обретением Республикой Узбекистан независимости в этом направлении сделано немало. Вместе с тем новый этап в развитии нашей страны обозначил новые перспективы. Президент Шавкат Мирзиёев возвел в ранг государственной политики вопросы бережного сохранения и приумножения исторического, художественного и интеллектуального наследия узбекского народа, воспитание подрастающего поколения на основе общечеловеческих и национальных ценностей.

Сегодня наша страна открывается миру. Это ощутимо в политике, гуманитарной сфере, туризме. Обновление всех сторон социальной жизни активизировало гражданское общество. Как результат, в нашей стране возникло новое, яркое явление – мультимедийный проект «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира». Его инициаторами стали общественные, негосударственные и международные организации, социально ответственный бизнес.

В основе Проекта лежит идея каталогизации шедевров наследия Узбекистана, в силу различных обстоятельств хранящихся ныне за рубежом. Подобной задачи еще не ставила перед собой ни одна страна. Собранные материалы публикуются в виде книг-альбомов. Помимо издательской программы, создаются фильмы и телепередачи, проводятся международные конгрессы и медиаивенты. Проект можно назвать визитной карточкой нового Узбекистана, примером того, как консолидация сил общественных, государственных и международных организаций, социально ответственного бизнеса, СМИ позволяет добиться беспрецедентных результатов в области просвещения и образования.

Реализуя наши планы, мы не смогли бы продвинуться вперед без поддержки ученых разных стран. Вовлеченные в работу Проекта, они выступили с инициативой создания общества, которое несло бы консолидирующие функции. Впервые эта идея прозвучала в Самарканде, на площади

Регистан, в ходе I Международного конгресса «Культурное наследие Узбекистана – путь к диалогу между народами и странами» (май 2017 года). В 2018 году на II Международном конгрессе, прошедшем в Санкт-Петербурге, о создании Всемирного общества по изучению, сохранению и популяризации культурного наследия Узбекистана было объявлено официально. Мировая практика еще не знала такого масштабного явления, когда ученые всего мира объединились для изучения наследия одной страны. В августе 2019 года Всемирное общество получило официальную регистрацию в Париже.

Первые результаты работы проекта «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира» продемонстрировали огромный интерес мирового научного сообщества к нашей стране. И, конечно, он нашел всемерную поддержку Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева. В своем обращении к участникам III Международного конгресса Всемирного общества, состоявшегося в Ташкенте в августе 2019 года, глава государства подчеркнул: «Масштаб намеченных к реализации проектов, направленных на просвещение и образование, огромен. Их выполнение является для нас не только делом чести, но и главным вектором, определяющим будущее Узбекистана. Ведь именно просвещение и образование ведут к миру и созиданию».

На этом конгрессе ученые обратились к руководителю нашей страны с предложением использовать книги-альбомы, подготовленные в рамках Проекта, в качестве учебных пособий для школ и вузов республики, представить их библиотекам нашей страны и мира. Предложение было одобрено на самом высоком уровне, в связи с чем многотомная серия «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира» распространяется по указанным учреждениям безвозмездно.

От имени ученых Всемирного общества мы искренне благодарим Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева за личное внимание и поддержку настоящего Проекта, направленного на сохранение, изучение и популяризацию культурного наследия Узбекистана. Проект рассчитан на многие годы, поскольку поднимаемые им темы неисчерпаемы. Его деятельность доказывает, что наша страна делает все возможное, чтобы сохранить бесценный опыт предков для будущих поколений.

*Э. В. Ртвеладзе,
Председатель научного совета
Всемирного общества по изучению,
сохранению и популяризации
культурного наследия Узбекистана,
академик Академии наук
Республики Узбекистан*

*Ф. Ф. Абдухаликов,
Председатель правления
Всемирного общества по изучению,
сохранению и популяризации
культурного наследия Узбекистана,
заслуженный журналист
Республики Узбекистан*

ЎЗБЕКИСТОН - БУЮК ЙЎЛЛАР
ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЧОРРАҲАСИ:
ИМПЕРИЯ, ДИН, МАДАНИЯТ”

МЕРОС ҲАФТАЛИГИ





КИРИШ

INTRODUCTION

ВВЕДЕНИЕ

КИРИШ

Елена Царева

*«Гиламдўзлик сирларини эгаллаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди»¹.
Халқ мақоли*

Ўзбекистон... Урта Осиёдаги Икки дарё оралигининг қоқ юраги... Амударёдан Сирдарёгача бўлган ҳудудда унинг гуллаб-яшнаган воҳалари, қуёш тафтидан баҳра олаётган саҳролари, кишин-ёзин қор билан қопланган сервиқор тоғлари, қуйлар суруви ва учқур отлар ујори ўтлаб юрган бепоён даштлари жойлашган... Сахро қумлари ичра йўқолиб бораётган қадимги сарой харобалари ўрнида мадраса ва масжидларнинг ярқираб турган гумбазлари, қадимий ва навқирон Ўзбекистоннинг боғу роғларга бурканган шаҳар ва қишлоқлари қад ростламоқда... Бу юрт тарихининг ҳар бир даври бетакрор ва ёрқинлиги билан ўчмас из қолдирган. Ўтмишнинг тўқимачилик зарварақларини кўплаб халқлар томонидан яратилган гиламдўзлик мероси ташкил этиб, уларнинг авлодлари бугунги кунда кўп миллатли Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилади.

«Ўзбекистон гиламдўзлиги: асрларга тенгдош анъана» номли китоб-альбом «Ўзбекистон маданий мероси» лойиҳаси доирасида чоп этилмоқда. Мазкур асар муаллифларининг вазифаси Ўзбекистон гиламдўзлик санъатининг Евроосиё тўқимачилик амалиётидаги ўрни, мамлакатимиз гиламлари ва гиламдўзлик маҳсулотларининг этник ва турли қўринишлари ҳақида маълумот беришдан иборат. Иллюстратив материал сифатида маҳаллий ва хорижий музейлар ҳамда шахсий коллекцияларнинг энг қизиқарли экспонатларидан фойдаланилган².

1 Боғдагул Раҳимова (1910 й.т.) сузларидан ёзиб олинган, Халач - гиламдўзлик қишлоғи. АҲО (Амударё урта оқими)нинг чап қирғоғи. Муаллиф маълумотлари, 2011 йил.

2 Альбомнинг визуал қатори Шарк халқлари давлат музейи, Давлат Эрмитажи, РФАнинг Буюк Пётр номидаги антропология ва этнография музейи (Кунсткамера), Россия этнография музейи (бари - Россия), Калгарин университетининг Nickle Galleries галереяси (Канада)дан йиғилган. Шунингдек, Америка ва Европа мамлакатлари хусусий коллекцияларидан - Питер Хоффмайстер (Германия), Томас Коул (АҚШ), Деннис Маркванд (АҚШ), Али Исталифи (Буюк Британия), "Estudion H" галереяси (Испания), Маржоний номли фонд (Россия) тупламларидан фойдаланилди. Ниҳоят, альбомга республика музей ва хусусий коллекцияларида - Ўзбекистон давлат санъат музейи (Тошкент), Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи (Тошкент), Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи (Самарқанд), «Бухоро ипак гиламлари» қорхонаси ва «Akbar House» галереяси (Бухоро)да сақланаётган буюмлар киритилган.

Ўзбекистон Евроосиё минтақаси юраги, аниқроғи қадимдан Мовароуннаҳр (ар. «дарёнинг нариги томони») номи билан машҳур, икки дарё оралиғида жойлашган.

Минтақа табиий шароитининг хилма-хиллиги бу ерда суғорма деҳқончилик ва шаҳар тамаддунининг илк шакллари, шунингдек, кўчманчи чорвачилик вужудга келишига замин яратди. Этномаданий хусусиятлари бўйича фарқ қилувчи аҳоли гуруҳларининг минтақага кириб келиши ва минг йиллар давомида бирга истиқомат қилиши улар ўртасида мавжуд сиёсий, маданий ва савдо алоқаларининг мунтазам кучайиши, Ўрта Осиё икки дарё оралиғи маданий тараққиётининг буюк маркази сифатида раванқ топишига хизмат қилди. Улардан бири бўлган гиламдўзликнинг Ўрта Осиёда вужудга келиши Бактрия-Марғиёна археологик комплекси (БМАК)нинг бронза даврига оид ёдгорликлари билан изоҳланади³. Гиламдўзлик техникасидан фойдаланиш ва худудда ишлаб чиқарилган гиламдўзлик маҳсулотларининг ташқи кўринишида муштарак жиҳатлар борлиги шубҳасиз, шунга қарамай турли этник гуруҳларга мансуб буюмлар ўзига хос фарқли жиҳатларга эга бўлиб, бу маълум даражада ишлаб чиқарувчилар ҳаёт тарзининг ўзига хосликлари ва уларнинг ҳаётидаги тарихий воқеалар билан белгиланади.

Бугунги кунда бу худудда Ўрта Осиёнинг тўртта мустақил республикаси ёнма-ён жойлашган. Шунга қарамай турли этник гуруҳ вакиллари аجدодлари ерларида яшаб, бу аъъанавий машғулоти давом эттирмоқдалар. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон гиламдўзлиги ҳақида сўз кетганда, биз нима учун унинг минтақа тарихи контекстига назар ташлаганимизни аниқлатади.

Китоб муаллифлари нафақат Ўзбекистон аҳолисининг гиламдўзлик маҳсулотлари ранг баранглиги, балки уларнинг Ўрта Осиёда вужудга келиш тарихи ҳақида сўзлаб бериш, китобхонларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилган. Мисол учун, биринчи гиламни ким тўқиган, ҳозирда бу билан ким шуғулланмоқда, нега улар ўзига хос тадқиқотлар объектига айланган, уларнинг қайси жиҳатлари ўрганилмоқда? Бу каби саволларга жавоб тариқасида Ўзбекистон гиламдўзлик санъатининг сеҳрли дунёси ҳақидаги ҳикоямизни бошлаймиз.

3 Бактрия-Марғиёна археологик комплекси – В.И. Сарияниди томонидан таклиф этилган ном ва Туркманистоннинг жануби-шарқий, Ўзбекистоннинг жанубий, Афғонистоннинг шимолий ва Тожикистоннинг жанубий худудларида милoddан аввалги III–II мингйилликларда – Покистоннинг Ҳинд цивилизацияси ва Месопотамиянинг Қадимғи Бобил подшолиги билан бир вақтда фаолият кўрсатган, бронза асри тамаддуниларидан бирининг номи.

INTRODUCTION

Elena Tsareva

One provides well, who studied and mastered the art of carpet weaving.
Folk proverb¹

Uzbekistan... The heart of the Central Asian Interfluve... From the Amu Darya to the Syr Darya stretch out its flourishing oases, sun-burned deserts, covered with permanent snow mountain peaks, and boundless steppes with slowly strolling flocks of sheep and herds of swift-footed horses... Vanishing in the sands ruins of ancient palaces take turns with domes of madrasahs and mosques of set in gardens cities and settlements of ancient and still ever-young Uzbekistan... Each of the epochs of its history contributed to the amazing, bright culture of this great country. A special, "woven chronicle" of the events the past is made by its carpets' legacy, which was created by a long chain of the inhabitants of this land, whose descendants now united to make the multinational Republic of Uzbekistan.

Offered to readers book-album "Carpet Making of Uzbekistan: a tradition preserved through centuries" is published in the framework of the tremendous project 'Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collection', and has an innovative character. Its author's task aims to identify the place of the Uzbekistan carpet-making traditions in the Eurasian textile practices, as well as their ethnic and typological variety. In particular we will speak about carpets as the object of passionate collecting, and show in illustrations some particularly interesting items from private and museum foreign collections².

1 Recorded speech by to Rakhimova Badagul, born 1910, in the carpet-making village of Khalach, left bank of the Middle Amu Darya. Author's data, 2011

2 Illustrations in the book-album are exhibits from collections of the State Museum of Oriental Art, the State Hermitage Museum, Peter the Great Museum of Anthropology and Ethnography (the Kunstkamera) of the Russian Academy of Sciences, the Russian Museum of Ethnography (Russia), the Nickle Galleries, the University of Calgary (Canada). Carpets from the private European and American collections are presented as well: Peter Hoffmeister (Germany), Tomas Cole (USA), Dennis Marquand (USA), Ali Istalifi (Great Britain), the EstudionH Gallery (Spain), Mardjani Foundation (Russia). Finally, the book-album includes items from museum and private collections of Uzbekistan: the State Museum of Arts of Uzbekistan (Tashkent), the State Museum of Applied Art of Uzbekistan (Tashkent), the State Museum of Cultural History of Uzbekistan (Samarkand), Bukharian Silk Carpets Enterprise and the Akbar House Gallery (Bukhara).

Part of the vast territories of Central Asia, Uzbekistan is located in the center of the Eurasian continent, more precisely, of the Central Asian Interfluve area, often also called Mavarannahr (Arabic "what [is] beyond the [Amu Darya] river"), literally, "area behind the river."

Extreme climatic conditions and environmental variety of the region contributed to the formation of early agricultural irrigation and early forms of urban civilization and pastoral nomadism. Millennia of coexistence of the bearers of these communities that differed by time of arrival to the region and by ethnocultural particularities contributed to the gradual development of political, cultural and trade relations between them, and the formation of the Central Asian Interfluve region as a glorious center for mastering and flowering of arts. One of them was carpet making, emerging of which in Central Asia is reflected in the Bronze Age sites of the Bactriana-Margiana Archaeological Complex (BMAC)³. Commonality in using carpet-making techniques and similarity in exterior of rugs produced in the region is doubtless. However, the articles of different communities have specific differences, which are largely due to the peculiarities in the lifestyle of their makers and the events in their history.

Today, these areas neighbor four independent republics of Central Asia; representatives of different ethnic groups continue to live in ancestral lands and practice their traditional activities regardless of political boundaries. The foregoing explains why, while speaking of the carpet making in Uzbekistan, we consider it in a region-wide historical background and present all carpet-making peoples of the country, including inhabitants of the Middle Amu Darya Oases, which were previously part of the Bukhara Emirate.

Introducing this complex topic, we aimed not only to describe the diversity of made in Uzbekistan types of rugs and the back story of their rise on the Central Asian soil, but also to answer some frequent to readers' questions of interest. For example: who made the earliest carpets? Who makes them today? Why have they become the subject of special study, and what are the special points of that study? With answers to some of these questions, we begin our story of the magic world of the carpets of Uzbekistan.

3 The Bactriana-Margiana Archaeological Complex is a notion and name proposed by V.I. Sarianidi for late 3rd-2nd millenbna civilization, located on the territory of southeastern Turkmenistan, southern Uzbekistan, northern Afghanistan, and western Tajikistan, simultaneously with the Indus civilization in Pakistan and the Ancient Babylonian Kingdom in Mesopotamia.



ВВЕДЕНИЕ

Елена Царева

*Тот хорошо себя обеспечивает, кто учился и умеет ткать ковер.
Народная пословица¹*

Узбекистан... Сердце Среднеазиатского междуречья... От Амударьи до Сырдарьи раскинулись его цветущие оазисы, опаленные солнцем пустыни, покрытые вечными снегами горные вершины и бескрайние степи с неспешно бредущими отарами овец и табунами быстроногих коней... Исчезающие в песках руины древних дворцов сменяются сверкающими куполами медресе и мечетей, утопающих в садах, городами и селениями древнего и вечно молодого Узбекистана... Каждая из эпох его истории отразилась в удивительной и яркой культуре этой великой страны. Особую, «тканую летопись» событий прошлого составляет его ковровое наследие, созданное народами, потомки которых сегодня живут в многонациональной Республике Узбекистан.

Книга-альбом «Ковроделие Узбекистана: традиция, сохраненная в веках» публикуется в рамках проекта «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира». В задачу авторов данного тома входило описание истории коврового искусства Узбекистана в текстильных практиках Евразии и рассказ об этническом и видовом разнообразии ковров и ковровых изделий страны. В качестве иллюстративного материала были использованы особо интересные экспонаты зарубежных и республиканских музейных и частных коллекций².

Узбекистан расположен в центре Евразийского континента, точнее, его Среднеазиатского междуречья, известного также как Мавераннахр (ар. «Заречье», букв., «то, что [лежит] за рекой»).

1 Записано со слов Рахимовой Бадагуль, 1910 г.р., село Халач, левобережье САД. Данные Е. Царевой, 2011 г.


2 Визуальный ряд книги-альбома представлен экспонатами из собраний Государственного музея Востока, Государственного Эрмитажа, Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН, Российского этнографического музея (все - Россия), галереи «Nickle Galleries» Университета Калгари (Канада). Представлены также ковры из частных европейских и американских коллекций: Питера Хоффмайстера (Германия); Томаса Коула (США), Денниса Маркванда (США), Али Исталифи (Великобритания), галереи «Estudion H» (Испания), фонда им. Марджани (Россия). Наконец, в альбом включены изделия из республиканских музейных и частных собраний: Государственного музея искусств Узбекистана (Ташкент), Государственного музея прикладного искусства Узбекистана (Ташкент), Государственного музея истории культуры Узбекистана (Самарканд), предприятия «Бухарские шелковые ковры» и галереи «Akbar House» (Бухара).

Разнообразие природных условий региона способствовало формированию здесь поливного земледелия и ранних форм городской цивилизации, а также подвижного скотоводства. Тысячелетия совместного проживания носителей этих разных по времени прихода в регион и этнокультурным особенностям групп населения обусловили возникновение политических, культурных и торговых контактов и становление Среднеазиатского междуречья как центра расцвета различных искусств. Одним из них стало ковроделие, появление которого в Средней Азии фиксируется памятниками эпохи бронзы Бактрийско-Маргианского археологического комплекса (БМАК)³. Причем общность в использовании ковродельческой техники и внешнего вида производившихся в регионе ковровых изделий несомненны. Тем не менее изделия разных этнических групп имеют отличия, что обусловлено особенностями образа жизни производителей и событиями их истории.

Сегодня на этих территориях соседствуют четыре независимых республики Центральной Азии. При этом представители разных этносов продолжают жить на землях своих предков и практикуют традиционные занятия. Сказанное объясняет, почему, говоря о ковроделии Узбекистана, мы рассматриваем его в региональном историческом контексте.

Авторы издания стремились не только рассказать о многообразии видов ковровых изделий населения Узбекистана и истории их появления в Средней Азии, но и ответить на интересующие читателей вопросы. Например, кто сделал первые ковры, кто их создает сегодня, почему они стали предметом особых исследований и т.д.? С ответов на некоторые из этих вопросов мы и начнем рассказ о волшебном мире коврового искусства Узбекистана.

3 Бактрийско-Маргианский археологический комплекс – предложенное В.И. Сарияниди понятие и название для одной из цивилизаций бронзового века, существовавшей на территории юго-восточного Туркменистана, южного Узбекистана, северного Афганистана и южного Таджикистана в конце III–II тыс. до н.э. в одно время с Индской цивилизацией в Пакистане и Древневавилонским царством в Месопотамии.





ГИЛАМ ТУШУНЧАСИ

THE CONCEPT OF CARPET


ПОНЯТИЕ КОВРА

ГИЛАМ ТУШУНЧАСИ

Елена Царева

Гидамлар уй жихози сифатида ер юзидаги барча анъанавий тўқимачилик маданиятларида мавжуд. Дунёдаги кўплаб халқлар тилида «гидам» сўзининг қўлланилиши ҳам бундан далолат беради. Бироқ ушбу атама буюмлар шакли, вазифаси ва услубини ифодалаш учун қўлланилади. Уларни нима бирлаштиради?

Бугунги кунда гидам маҳсулотлари таснифига тўшаладиган гидамлар ва гидам маҳсулотлари киради. Биринчи гуруҳга тўғри тўртбурчак шаклидаги каттик, тўқимачилик



1. Бухоро амири ташқи саройининг гидамлар солинган тахтиравонли хонаси. С.М. Прокудин-Горский. 1907 й. Интернет манба.

1. The throne room of country palace of the Emir of Bukhara, covered with carpets. S.M. Prokudin-Gorsky. 1907. Internet resource.

1. Застланный коврами тронный зал загородного дворца эмира Бухарского. С.М. Прокудин-Горский. 1907 г., интернет-ресурс.

техникалари ёрдамида тўқилган, уй-жой ҳамда жамоат жойларида тўшаладиган гидамлар киради. Улардан фойдаланиш ва шаклидан келиб чиққан ҳолда тўшаладиганлар гуруҳига шунингдек, жойнамозлар, дастурхонлар, тўй ва маъракаларда ерга тўшаладиган тўқимачилик матолари киради (1, 2 суратлар).

Гидамдўзлик буюмларига эшик, девор ва тўй пардалари, нарсалару, буюмлар сакланадиган турфа хил деворий қоп гидамлар, шунингдек, улов жихозлари ва айникса ўтов қопламалари, уларни боғлаш учун тасмалар ва бошқалар киради (3 сурат).

Сиртдан қараганда, гидам ва гидам маҳсулотлари учта технологик белгини ўзида мужассам этади. Уларнинг барчаси тўқимачилик ашёларидан, гидам тўқиш усулларида бири ёрдамида тўқилиб, ту-



2. Тушама гилам. Жун. Тугунча шаклида тўқиш. 145×210 см. XIX асрнинг иккинчи ярми, Урта Амударё. Томас Коул коллекцияси, АҚШ.

2. The floor rug. Wool. Knotted weaving. 145×210 cm. 1870s. Middle Amu Darya. The Thomas Cole collection, USA.

2. Коврик постилочный. Шерсть. Узелковое ткачество. 145×210 см. 1870 (?) гг. Средняя Амударья. Коллекция Томаса Коула, США.



3. Утовни ўрнатиш. Қирғизлар. XXI аср. Интернет манба.

3. Mounting a yurt. Kyrgyz. 21st c. Internet resource.

3. Установка юрты. Кыргызы. XXI в. Интернет-ресурс.

галланганлик, яъни ён ва чеккаларининг беркитилганлиги каби ўзига хос жиҳатга эга.

Ўзбекистоннинг ранг баранг табиий худудлари (19 сурат) ва бой тарихи ўз-ўзидан гиламдўзлик услубларининг хилма-хиллигини юзага келтириб, улардан энг муҳимлари – буйра тўқиш, силлик ва тукли тўқимачилик ҳамда кигиз босиш, шунингдек, безак услуби сифатида каштачиликнинг турли вариантлари ҳисобланади.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос гилам турлари ва уларни тайёрлаш услуби мавжуд. Улардан бирини танлаш унинг ҳўжалик фаолияти

тури билан белгиланади. Бундай ҳолатлар бир турдаги буюмларни белгилаш учун қўлланиладиган маҳаллий номларда акс этади. Мисол учун, Ўзбекистонда кенг тарқалган катта, калта тукли тўшама гиламларга таъриф бериш учун *патли гилам*, *хали* ва *гилам* (қирғ. *килим/килем*) атамаларидан фойдаланилади. Тузилиши жиҳатидан ҳар хил бўлган буюмларга таъриф бериш учун маҳаллий номлар ва талаффузи бир бирига яқин сузларнинг кўплиги муаллифлар томонидан умумадабий атамаларни киритиш заруратини туғдирди. Аниқланган маҳаллий номлар махсус бўлимлар, расмларга аннотация ва тўплам тавсифларида келтирилган.

Гиламдўзлик ашёлари ва уларни гилам тўқиш жараёнига татбиқ этиш усуллари

Инсон томонидан тўқимачиликнинг ўзлаштирилиши узок вақт уларни тўқимачилик матоларига бириктириш усуллари билан ҳамоҳанг тарзда шаклланган. Бу жараёнлар анча олдин, Homo Sapiens, яъни онгли одамларнинг дастлабки яшаш жойла-



4. Бўйрадузлик ва туқимачиликнинг юзага келиши.
Онадўли цивилизацияси музейи. Анкара.
Е. Царева олган сурат.

4. The origin of mat-making and weaving.
The Museum of Anatolian Civilizations. Ankara. Photo by E. Tsareva.

4. Зарождение циновкоплетения и ткачества.
Музей анатолийских цивилизаций. Анкара.
Съёмка Е. Царевой.



5. Жут (каноп) толасини куритиш.
Ҳиндистон, бугунги кунлар. Интернет манба.

5. Drying of jute fibers. India. Nowadays.
Internet resource.

5. Сушка джутового волокна. Индия, наши дни.
Интернет-ресурс.

ридан бошланган. Дастлаб ўтларнинг гажак, чивик ва поялари ўзлаштирилган бўлса керак. Айнан улар одамларга туқиш усулларини ўзлаштиришда қўл келган (4 сурат). Бўйра туқиш санъати уларнинг бевосита давоми бўлди.

Ип яратишнинг ўзлаштирилиши туқимачилик ривожланишига тўртки бўлди. Каноп, қичитқи ўт, жут ва бошқа ўсимликлар илк туқимачилик ашёлари бўлган. Бундай ўсимликлар новдаси узунлиги (2 метрдан зиёд) гиламча туқиш учун етарли бўлиб, ип олиш учун уларни тилиш кифоя бўлган (5 сурат). Барча ўсимликлар таркибида целлюлоза бўлиб, уни буяш қийин кечган, шунинг учун ҳам қадимги гиламларга нақш билан безак берилган¹ ёки уларни туқишда турли рангдаги ўсимликлар толасидан фойдаланилган. Зиғирпоя толасини туқимачилик ўсимлиги сифатида маҳаллийлаштириш (тахминан 11 минг йил аввал) унинг калта толаларини (тах. 70 см) ипга бирлаштириш усули, яъни йигириш ва эшиш техникалари ихтиро қилинишига замин яратди (6 сурат).

Йигириш кўникмаси инсонга жониворлардан туқимачилик толалари олишни ўзлаштириш имконини берди. Евроосиёда бу эрта хонакилаштирилган эчки жуни бўлган². Бу жуннинг муҳим хусусиятлари шундаки, йигирилиши қулай ва буюкни яхши сингдира олади. Бирок 6 минг йил аввал Эрон ясситоғларининг ғарбий қисмида боқилган сержун зотли қўйлар юнги гиламдузликнинг асосий ашёсига айланди. Сер-

1 Ўсимлик материалларига бундай усулда безак берилиши, жумладан, полнинг қизил ва сариқ тус берувчи рангларда безалишига (камиш, канотиплар) миллоддан аввалги III мингйиллик охири ва II мингйиллик бошларига тегишли булган Гонуртепа саройининг ибодатхонаси далолат беради, БМАК. Муаллиф маълумотлари.

2 Жониворлар юнгидан тайёрланадиган бошқа материаллар — қуённинг пахмок юнги ва бошқалар туқимачиликни ривожлантиришда муҳим роль уйнай олмади.



6. Жун йиғириш. Араблар. Жейнов, Жанубий Узбекистон. 2005 й. Т. Федорова олган сурат.

6. Wool spinning. Arab. Jeinau. Southern Uzbekistan. 2005. Photo by T. Fedorova.

6. Прядение шерсти. Арабы. Джейнау, Южный Узбекистан. 2005 г. Съёмка Т. Федоровой.



7. 1) Ёввойи кўй. 2) Юнғ (тепа) ва кемп (пастки) намуналари; 3) Жунли кўй зоти.

7. 1) Wild sheep; 2) Samples of wool (top) and kemp (bottom); 3) Woolly sheep.

7. 1) Дикая овца; 2) Образцы шерсти (верх) и кемпа (низ); 3) Овца шерстистой породы.

жун кўйнинг ёввойи кўйдан фарки уларнинг ташки жун копламасидадир. Ёввойи кўйларда у силлик кемп (жун) бўлиб, йиғирилмайди, чунки жун кутикулалар билан копланган бўлиб, йиғириш пайтида ипга, босиш пайтида эса кигизга илинади (7 сурат). Жуннинг тўқимачилик хомашёси сифатида пайдо бўлиши Марказий Осиё аҳолиси ўртасида гиламдўзликнинг ривожланишида том маънода туб бурилиш ясади. Айнан сон-саноксиз кўй сурувидан олинган жун тукли тўқимачилик ва кигиз босиш техникалари ривожини таъминлаб, ўтовдан кўчманчи ҳаёт тарзи кафолати сифатида фойдаланиш имконини берди (8 сурат).

Ўз-ўзидан савол туғилади: нега эчки эмас, айнан сержун кўй жунидан фойдаланилган? Бунинг бир неча сабаблари бор. Уларнинг энг муҳимларидан бири кўй жунининг миқдори эчкиникидан анча кўп. Айни пайтда кўйлар эчкиларга қараганда Евроосиё даштлари иқлим шароитига яхшироқ мослашган (9 сурат). Эчкилар туғрисида бежиз «Якин Шарқ ўрмонларини еб битирган» деган ибора ишлатилмайди. Шунинг учун ҳам уларни боқишда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Шунга қарамай минтақанинг барча гиламдўзликка ихтисослашган ҳудудларида пода таркибига кўй, эчки, шунингдек юксак кадрладиган Бактрия туялари ҳам қиради (10 сурат).

Ўрта Осиё гиламдўзлигида унчалик кенг тарқалмаган, бироқ анча машҳур яна бир ашё – ипак толасидир. Ипак қурти тахминан милoddан аввалги учинчи минг-йилликда Хитойда хонакилаштирилган. Бироқ Ўрта Осиёда, бутун дунёдаги мам-

8. Баланд тоғ яйловлари
ва утовлари. Қирғизистон.
Бугунги кунлар.
Интернет манба.

8. Highlands: yurts and pasture. .
Kyrgyzstan. Nowadays.
Internet resource.

8. Высокогорное пастбище и
юрты. Кыргызстан. Наши дни.
Интернет-ресурс.



9. Чўпонлар
кўйларни кўрага
хайдашмоқда.
Марказий Осиё.
Бугунги кунлар.
Интернет
манба.

9. Shepherds
drive
the flock. Central
Asia. Nowadays.
Internet resource.

9. Пастухи
гоняг
отару овец.
Центральная
Азия. Наши дни.
Интернет-
ресурс.



10. Бақтрия
туяси.
Марказий Осиё.
Бугунги кунлар.
С. Шапиро олган
сурат.


10. Bactrian
camel. Central
Asia.
Nowadays.
Photo by
S. Shapiro.

10. Верблюди
бактриан.
Центральная
Азия. Наши дни.
Съемка
С. Шапиро.

лакатлар сингари ипакчилик ўрта аср бошида ўзлаштирилган. Бу даврга келиб минтақада асосий тўқимачилик техникалари шаклланиб улгурган эди. Ипак эса гиламларга ўзгача гўзаллик ва нафислик, айрим миллий урғулар бахш этди, холос (11 сурат).

Ўрта Осиё икки дарё оралиғида сўнгги жорий этилган гиламдўзлик ашёси бу пахтадир. Топилмаларга қараганда, ўсимликни етиштириш милoddан аввалги IV минг-йилликда Ҳиндистонда бошланган³. Бироқ Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда уни тўқимачилик ўсимлиги сифатида ўзлаштириш VIII асрдан олдин бошланмаган бўлса керак. Кийим-кечак ва уй зийнатлари тайёрлашда сеvimли матога айланган пахтадан Ўрта Осиё гиламлари тайёрлашда асосан гул тикилган гилам буюмлари учун асос сифатида фойдаланилган.

3 Alchin 1969: 325.



11. Жул (от ёпиғи)нинг бир қисми. Пахта матога тикилган ипакли кашта. Томас Коул коллекцияси, АҚШ.

11. Part of horse cloth. Silk embroidery on cotton warp. The Thomas Cole collection, USA.

11. Часть конской попоны. Вышивка шелком по хлопковой основе. Коллекция Томаса Коула, США.

Гиламдўзлик услублари. Бўйра тўқиш

Гиламлар тайёрланиш усулига кўра тўқима, босма ва накшли турларга бўлинади. Юкорида қайд этилганидек, улардан энг қадимгиси бўйралар ҳисобланади. Хусусан, уларнинг ҳамма ерда кенг тарқалганлиги ушбу турдаги гиламларнинг қадимийлигидан далолатдир. Бироқ тўқимачилик амалиёти тажрибасидан бизга маълумки, усул қанчалик қадимий бўлса, у шунчалик кўп қўлланилади. Ўз навбатида унчалик машхур бўлмаган маҳаллий услублари одатда сўнги ихтиро бўлиб чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида бўйралар (парчалари) милоддан аввалги I мингйилликка оид дафн қилиш жойларида аниқланган⁴. Шунингдек, бронза даври манзилгоҳлари уй-жойларида тўрт-уч ярим минг йил аввал бўйралардан фойдаланишган.

Бугунги кунда Ўрта Осиёда бўйра тўқиш усулларидан тўғри тўртбурчак шаклидаги қаттиқ, силлик, тугалланган тузилишлар, айнан тўшамалар, девор гиламлари, парда ва эшик пардалари тайёрлашда фойдаланилади (20 сурат). Минтақада ўсадиган чий номли қиёқ ўт турининг бутун поялари ва уларни бирлаштирувчи бурама чилвирлар анъанавий тўқиш материаллари бўлиб хизмат қилган. Бунда ўсимлик номи ундан тайёрланган бўйралар номига ҳам берилди – «чий»⁵ (21 сурат).

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар аҳолиси анъанавий тарзда икки турдаги чийлар ишлаб чиқаради: нақшсиз (ок-чий) ва безакли (чирмаган). Ок-чийлар ўтовлар конструкциясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тахта панжара, гумбазли таёқ ва «дарча»дан иборат наMAT «либос» билан қопланган ўтов ўз соҳибларини қум ва қор бўронлари, қуёш жазирамасидан асраган. Ўтовнинг ташқи қопламаси наMATдан иборат. Улар полнинг ташқи қопламаси ҳам ҳисобланади. Бироқ наMAT қоплама ва тўшамалар остида унчалик сезилмайдиган ёки умуман кўз илғамас бўйра деворлар – ашкана ҳамда ўтовнинг тупроқли полига тўшалган бўйралар бўлади. Ку-

4 Горбунова, 1977: 110.

5 Кочевое жилище, 2000; Махова, 1968; Summer, 1996; Tsareva, 1998.

чиш чоғида улар худди тўқилган гилам ва кигизлар сингари ўралиб, юк ташувчи жониворларга ортиб, янги жойга олиб кетилади.

Ушбу ғаройиб бўйраларни тўқиш жараёни мураккаб ва кўп вақт талаб этади. Унинг дастлабки босқичида боткок ердан суғуриб олиш ва қуритиладиган жойга олиб бориш керак булган ўсимликларни йиғиш талаб этилади. Курук поялар тозаланиб, тайёрланадиган газлама эни бўйича кесилади – бўйра асоси тайёр (22 сурат). Тўқишнинг ўзи Евроосиё учун қадимий ва деярли бир хил бўлиб, ерга тик қотирилган айри ёғоч ва уларга горизонтал ётқизилган ходадан иборат тўқиш мосламасида амалга оширилади. Мослама ўрнатилгач, кўндаланг чорқиррали ёғочга тенг оралиқда қармоқтошли чилвир мустаҳкамланади. Уларнинг устига кетма-кетликда ҳар бир таёқдан қармоқтошли чилвир ташлаган ҳолда чий поялари қўйилади ва бу амал *окчий* бўйраси битгунга қадар такрорланади.

Юқорида қайд этилганидек, бўйра тўқишда техник жиҳатдан ишчи унсурларнинг икки гуруҳи иштирок этади: ҳаракатсиз – булар поялар ва уларни бириктирувчи ҳаракатланувчи чилвирлардир. Поялар тепа ва паст қисмидан букилиб, чилвирлар кесишган жойда қайтариладиган чексиз саккиз шаклидаги белгиларни ҳосил қилиб, биз «твайн» деб атайдиган тузилишни вужудга келтиради⁶ (24 сурат).

Твайн структурасининг ўзига хослиги шундаки, чилвирлар қалинлиги пояларнинг бир бирига ўта яқин жойлашишига йўл қўймайди ва улар ўртасида кичик тирқишлар пайдо бўлади. Шу туфайли ерга ёйилган бўйралар ўтов полига тўшаладиган кигиз ва гиламларни зах ердан ҳимоя қилган. Бир вақтнинг ўзида девор чийлар ўтовга ҳаво ўтказиб, унда яшовчиларни шамолу қуёшдан, илон, ўргимчак ва саҳро ҳамда даштларнинг бошқа жониворларидан ҳимоя қилади. Кигиз қопламалар олиб ташланадиган ёз фаслида бўйралар ўтовни қутилмаган мехмонлар ташрифи ва деворда осилиб турган майда буюмларни бегоналардан ҳимоя қилишда асқотган. Улардан кигиз эшик пардалар учун қоплама ва кигиз тўқиш учун асос сифатида фойдаланилган (25 сурат). Қишлоқ уйларида *чийлардан* тўсиқлар, деворлар ва тўқиш мосламаси учун соябон сифатида фойдаланилади.

Энли гиламлар композит гиламлар туркумига киритилиб, уларнинг калта юнгларидан оқ, тўқ жигар ранг ёки қизил юнгдан йўллари (*тахта* деб аталган) бўлган ва улар *гажари* деб аталувчи ип газламали *босма* ёки *илма* нақшлар билан хошияланган. Сўз юритилаётган гиламларнинг беш-каштадан фарқи шундаки, унинг нақшини яратишда арқоқ ип ўрнига оддий, олдиндан тайёрланган оқ йўлли туксиз каштадан фойдаланилган.

Энли-ок-энли (кенг оқ, оқ йўл кенгликдаги гилам; Сурхондарё кишлоқларида оқ-эн, оқли иборалари ҳам ишлатилади) гиламлар гуруҳини оқ йўллари мавжудлиги эвазига бирданига билса бўлади. Махсулотнинг бу тури тор ғалтакли дастгоҳда, алоҳида панелларда тўқилган. *Беш-каштада* бўлгани каби, панелларнинг ўзи иккита турли усулларда бажарилган – силлиқ юнгли, нақшли оқ юнг (*босма* ва *илма* (*юрма* чок), юнг ёки пахта ип) *гажари* усулида бажарилган безакли панеллар билан кетма-кет келади.

Гиламлардаги оқ панелларни *оқ йўл* тилаш хохиши сифатида кўриш мумкин. Бу гиламлар нақшларидан ҳам асровчи юлдуз рамзлари, илоҳий белгилар (кўй шоҳи тасвири), шунингдек гул безак ва ҳосилдорлик рамзи – пальметталар ўрин олган. *Ок-энли, қизил-энли* ва *кора-энли* гиламлари номидан кўриниб турганидек, қизил, тўқ жигар ранг йўллар билан тўқилган.

Гиламларнинг бу тури *қиз гилам* деб номланиши мумкин. Бу уларнинг тўй белгиси мақомини қайд этади. Сифати ва рангининг алоҳида ажралиб туриши, рангли безакка бойлиги бу турдаги гиламларга бетакрорликни ато этади.

Энли гилам беаги ўзига хос. *Ғажари* техникасидаги йўлакларнинг беаги бу гиламлардан фарқ қилмайди (шоҳ образли ромблар, W ва S белгилари, тумор ролини ўйнаган *исирга* мотиви, *шахмат* мотиви).

Ўз навбатида оқ, қизил ва тўқ жигар ранг каштали йўлаклар унинг нафислигидан далолат беради. Унинг ўзига хос эволюцияси ҳам кузатилади: бирмунча олдинги намуналарида юлдузлар ва ҳайвонларга оид белгилар, поғонали ромблар, учбурчаклар, йирик S белгилари, суғд шойилари мероси *ойболта* мотиви кузатилса, кейингиларида гул безаклар ва пальметталар биринчи ўринга чиқди. XX асрда *ок-энли* гиламларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари қўнғиротлар (Сурхондарё, Қашқадарё) бўлишди.

Қиз-гилам

Қиз-гилам – Қашқадарё, Сурхондарё қўнғиротлари ва лақайлари томонидан яратилган ва тикилган гиламлар гуруҳининг шартли номи. Уларнинг дастлабки номи сақланиб қолмаган. Гиламларнинг ўзи эса тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборидан четда қолган. Ҳозирги кунда бу гиламлар кўплаб хорижий коллекцияларда тўпланган. Фақат айрим намуналар Ўзбекистоннинг хусусий ва музей жамланмаларида сақланмоқда.

Мазкур маҳсулотнинг фаркли хусусияти – фоннинг ёрқин кизил ранги ва бир хил тикилишидир. Безаклар ўша-ўша. Саккиз қиррали медальонлар, даштликларга хос ромбли томонлари тенг хочлар, қўчқор шохлари. Медальон нақши диагонал (оқ зангор билан, оқ кўк билан, кизил кўк билан, кизил оқ билан ва хоказо), бу лақайлар ва қўнғиротларнинг киз *гиламини* туркманларники билан яқинлаштиради. Камёб намуналари оқ фонли, тикилиши кизил-кўк гаммада. Битта гиламда унинг ўлчамига қараб олтидан 28 тагача медальон бўлиши мумкин. Асосий элементлари – босма чок билан, сиртки кўриниши ва қўшимча деталлари *юрма* чок билан тикилган. Тикиш сифати вақт нишонаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки илк даврлардаги маҳсулотларда сифат юқори. Бошқа аксарият ўзбек гиламларида бўлгани каби, киз *гилам* полотнонинг олдиндан тўқилган тор йўлакларида тикилган. Мазкур турдаги гиламлар учун ип йигиришга алоҳида эътибор қаратилган. Тикиш ишлари юнгда, гоҳида ипакда, кейинги даврлардаги намуналарида пахтада бажарилган.

Бу маҳсулотлар алоҳида мақомга эга эди. Тўй кунларида балолардан асровчи ва безак вазифасини ўтаган. Одатда бу гиламлар кизининг тўйи учун она томонидан тикилар, тўй пардаси ёки чойшаб сифатида ишлатиларди. *Киз-гилам* деб номланишининг сабаби ҳам шунда.

ТУКЛИ (ПАХМОҚ) ГИЛАМЛАР

Жулхирс: Шумер замонидан Янги давргача

Жулхирс асл ўзбек гиламларидан бири ҳисобланади. ХІХ аср ва ХХ аср бошларида бундай узун патли гилам тўқиш хунари кўпроқ Самарқанд ва Жиззах, Нурота тоғ-оралиғида, қисман Қашқадарё араблари ва Фарғона водийсидаги қирғизлар орасида кенг тарқалган эди. Улар гиламлардан асосан ерга тўшаш учун ёки тўшак сифатида фойдаланишган.

Жулхирс араб ва тожик тилидан таржима қилинганида «айиқ териси» маъносини англатади. Шунингдек, *жулварақ* (арабча жул – жун, жунли газлама, варақ – қатлам, варақ), *патизулварақ* (пат – товўқ пати, шунингдек жун, зул – эга бўлган, варақ – қатлам; *сўзма-сўз* ўгирганда – жунли қатламга эга бўлган ёки кўп қаватли юнгли гилам маъноси келиб чиқади) номлари мавжуд. Гиламдўзлик тарихини урганган В.Г. Мошкованинг таъкидлашича, ўзбек тўқувчиларининг айримлари *жулхирс* атамасини «бадавлат чавандоз айиғи» дея таърифлашган, яъни жул – тери, эгар тагидаги тўшама, хирс – бадавлат одам, жаноб⁷. Кўришиб турибдики, бундай усулда тўшама гиламлардан ташқари ёпқичлар ҳам тайёрланган.


Жулхирснинг ўзига хослиги унинг фақат узун юнгли эканлигида эмас, балки бу турдаги гиламларни тайёрлаш технологияси жуда қадимга бориб такалишида ҳамдир. Қолаверса, айнан *жулхирс* текис газламали тўқимачилик усулидан ке-

7 Уша ерда: 238 б.

*Киз-гилам (парча). Кунгрот-ўзбеклар.
Сурхандарё вилояти, XX асрнинг биринчи ярми.
«AsoloKilim» галереяси, Италия.
Фотосурат Дамиано Пелиццари томонидан
таъдим этилган.*

*Kiz-gilam (fragment). Uzbek Kungrat. Surkhandarya
region, early 20th century. AsoloKilim Gallery, Italy.
Photo by courtesy of Damiano Pelizzari.*

*Киз-гилам (фрагмент). Ўзбеки-кунгроты.
Сурхандарьинская область, первая половина XX в.
Галерея «AsoloKilim», Италия.
Фотография любезно предоставлена Дамиано
Пелиццари.*



йин гиламдўзликнинг узун жунли, бандли тўқиш усулига ўтилганини англатади. В.Г. Мошкова ўзининг тадқиқотларида жулхирсни «нафақат Ўзбекистондаги гиламдўзлик санъати ривожининг илк боскичларидан бири, балки бутун узун жунли гиламчилик тарихига ойдинлик киритадиган энг эски восита»⁸, деб ҳисоблаган.

Дастлабки узун жунли (филикли) гиламлар Шумерда пайдо бўлган. Шунга ўхшаш ашёлар: узун жунли гиламчалар ва либослар бронза давридаги Бактрия ва Марғиёнага ҳам хос бўлиб, бу Бактрия-Марғиёнанинг Шумер билан маданий-тарихий алоқада бўлганлигидан далолат. Сўнгги ўрта асрлар жулхирсини Шумер-Бактрия маданий алоқаларининг кўп асрлик ривожланиш маҳсули деб изохлаш мумкин. Улар 25 мм узунликдаги тук (пат) ҳамда гилам тайёрлашнинг қадимийлиги, маҳобатли беағи билан ажралиб туради.

Самарқанд вилояти узун патли гиламлари гиламчиликнинг мумтоз кўринишидир. Улар тор ғалтакли дастгоҳларда тўкилган, шунинг учун бир неча, қоидага кўра, тўртта узун парча бир бирига улаб тикилган. Жулхирсининг қадимги нусхаларида хошия бўлмаган. Уни тўқишда ашё сифатида туя ва қўй, шунингдек, анчайин мустаҳкам ва дағал бўлгани учун эчки жунидан фойдаланилган.

Қушалок тугун тўқиш услуби

Гилам жуни кесилмаган, бу ўз навбатида гиламнинг юзаси пахмок, ўсик-юлук бўлишига хизмат қилган. Самарқандникидан фарқли ўларок Нурота гиламлари кенг ғалтакли дастгоҳларда бутун мато тарзида ажратиб олинган, юнгнинг узунлиги 15 мм.га етган.

Жулхирсларга безак ишлови суратлар жихатдан ҳам, ранглар борасида ҳам имкон қадар ихчам, лўнда бўлган. Самарқанд гиламларида қатор тўри ва поғонасимон

8 Ўша ерда: 82 б.

ромб шаклидан фойдаланилган. Шунингдек асосий медальон сифатида квадрат, олти бурчак, саккиз қиррали юлдузлар ва ҳатто шакл жихатдан тупбарггул шакллари ҳам ишлатилган.

Баъзи *жулхирслар* эллинизм даврига хос хусусиятларни яққол мерос қилиб олган. Сурхондарё гилам ва кигизларида учрайдиган бундай ўзаро бир бирига боғланиб кетган хошияларда шох тасвирлари эҳтимол юнон рамзи ҳисобланган *меандр*-мотив (меандр – тўғри бурчакли нақш, гулнинг кенг тарқалган тури)га ўхшатиб ишланган.

XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида самарқандча *жулхирсини* айрим намуналари икк ўрта асрлар Суғд матолари – машхур ипак самитлари (газлама) билан яққол алоқадорликни сақлаб қолган. Уларга ишланган безак замирида қалин бўлмаган патли тўқиш услуби имкон қадар юмалок медальон самитлар шакли – олти бурчакли медальон (юмалок ёки чўзиқ шаклдаги зеб-зийнат ёки эсдалиқ нишон), дур белгилари ётади. Медальонлар ўртасидан – майдарок ромблар ёхуд хочсимон шакллар ўрин олган. Бундай услуб суғд газмоллари тасвирига хосдир.

Жулхирслардаги безакларнинг анчагина қисмини биринчи галда дашт кўчманчилари ҳаёт тарзи таъсири билан боғлиқ самарқандча ва сурхондарёча нақшлар тапқил қилади. Унда «дашт» рамзи, мухтасар айтганда, кўчманчи халқлар турмуш тарзига хос бўлган тотем (уруғ жамоалари сиғинадиган хайвон, ўсимлик, тош ва шу қабилар) ҳамда тамға сингари умумий белгилар марказий ўринни эгаллайди. Айниқса, тирноқсимон ёки шохсимон шаклдаги жимжималар билан безатилган медальонлар кўпроқ учрайди. Турли хилдаги геометрик шакллар – хоч, учбурчак *тумор*, тўғри бурчак, *зигзаг* (синик, эгри бугри чизик), *келле* ўсимлик тасвири қўшимча унсурлар сифатида қўлланилган. Уларнинг айримларида тамға маъносини илғаш мумкин. Хошияга, агар у бор бўлса, кўчкор шохлари, саккиз қиррали юлдузлар, ингичка давомли оқ-қора узук чизикчалар тасвирлари билан зеб берилган.

Санъатнинг қадимий турларига тааллуқли шакллар қоидага кўра, химоя характерига эга бўлган қадим космогоник, сеҳрли ва тотем қиёфалар билан алоқадор бўлган. Бундай безакнинг асл маъноси кўп сонли туморлар билан қўриқланадиган ҳосилдорлик ва фаровон турмушни таъминлаш, асрашдан иборат эди. Дейлик, «су»



Оқ асосдаги киз-гилам (парча). Кўнгрот-ўзбеклар. Сурхондарё вилояти, XX асрнинг биринчи ярми. «AsoloKilim» галереяси, Италия. Фотосурат Дамиано Пелиццари томонидан такдим қилинган.

Kiz-gilam on a white background (fragment). Uzbek Kungrat. Surkhandarya region, early 20th century. AsoloKilim Gallery, Italy. Photo by courtesy of Damiano Pelizzari.

Киз-гилам на белом фоне (фрагмент). Узбеки-кунграты. Сурхандарьинская область, первая половина XX в. Галерея «AsoloKilim», Италия. Фотография любезно предоставлена Дамиано Пелиццари.

туғри йуналиши сувни ифодалаган ва шу боис унумдорликни кафолатлаган. Айнан *жулхирслар* нақшининг сеҳрли химоясига бўлган ишонч уларнинг асрлар оша сақланиб келишига, авлоддан авлодга ўтишига катта хизмат қилган.

Узун тукли (патли) гиламларнинг орнаментал бойлиги келгусида ўша даврга яқин материалларни, жумладан *сузана*, *абр* (*икат*) матоларга (Ўрта Осиёнинг бўяш ёки тикиш жараёнида бир ва бир неча ранглар асосида «*абр*» (форсчадан – булут) тасвири тушириб тайёрланган газламалари, унга асосан ипак ёхуд ярим ипак, айрим ҳолларда пахтали матолар мансуб) ва ҳатто Эрон гиламларини ўзлаштириш ва бадий қайта ишлаш ҳисобига тулиб борди. *Икат* (икат – матони бўяш ва тукимачиликда безак беришнинг хос технологияси) эффеќти йирик *абр* нақшларига, *абр* бўямасига, жимжимасига хос чўзиқ кунгурадор ромблар халқасидан иборат суратлар ҳисобига ривож топди.

Эрон гиламларидан андаза олиш журъатсиз хусусиятга эга бўлган, чунки гул, ўсимлик, қуш, хайвон, доирасимон шакллари ифода этилган Эрон гиламлари *жулхирс* яратилганда техник жиҳатдан имконсиз бўлган. Шунга карамай усталар айрим мавзуларни, хусусан Эроннинг сарой гиламлари хошияси тез-тез безатиладиган кетебе-картушлар (жимжимадор лавҳа ёки рамка) занжирини ўзлаштиришни уддалайди. Картушлар орқа планида гул тутамлари ўрин олади. Шундай қилиб *жулхирс* безаги мураккаб бўлмаганига карамай маълум бир ҳаракат динамикасини намоиш қилади.

*Жулхирслар*нинг умумий рангида табиий, қуюқ тус устунлик қилади. Бирок анилин бўёқларининг тарқалиши билан ранглар турфалиги ёркинроқ, ҳатто кучли (бу айниқса Нуротанинг *икат* суратлари солинган гиламларига хос) тус ола бошлади. 1980-йиллардан кейин *жулхирслар* бўртмалари аста-секин йукка чиқа бошлади.

Шу тарзда *жулхирс* – ўзида ўзбек жунли гиламдўзлигининг асл хусусиятларини мужассам қилган ажойиб маданий ёдгорлик бўлиб қолди. Унинг келиб чиқишини Шарқнинг қадимий маданият ўчоқлари – Шумер ва Бактрия билан боғлаш мумкин. *Жулхирс* технологияси – мумтоз тор ғалтакли дастгоҳда шолча тўқувчилиги техникасидан кенг ғалтакли дастгоҳга ўтишнинг ўзига хос даврий шаклидир. Бу хил гиламларнинг безаги Ўзбекистон ҳудудида бадий санъат ривожининг асосий босқичларини акс эттиради.

Калта жунли гиламлар

Калта жунли (қирқилган) яхлит матоли гиламлар гарчи кам сонли бўлса-да, ўзбек гиламчилигининг салмоқли қисмини ташкил этади. Улар боғичларнинг юқори зичлиги, жунларнинг бенуқсон қирқилгани, ранглар мажмуи уйғунлиги ва теранлиги, нафосатли нақшлари билан ажралиб туради. Жунли текис қирқилган гиламларнинг сақланиб қолган энг дастлабки нусхалари қўлда тўқилган бўлиб, *жулхирслар* сингари улар ҳам энсиз ғалтакли дастгоҳларда тайёр булақларни улаш йўли билан тўқилган⁹.

9 Мошкова, 1970: 53, 56 б.

Яхлит матоли қирқилган гилам ўзбек уруғлари турмушига кейин кириб келган ходи-садир. Самарқанд ва Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, Фарғона водийси ва Нурота тоғли худуди гиламнинг бу тури кўп тайёрланган худудлар сирасига кирди.

Самарқанд гиламлари – ўзбек тўқимачилигининг ўзига хос устубини ёрқин акс эттирадиган тўқима маҳсулотлар бир гуруҳидир. Улар ўтмишда барча кўчманчиларнинг санъатларида қадимий астрал ва тотем белгиларини сақлаб қолишади. Мавзуларнинг бадиий талқини ўзига хос бўлиб, бу гиламларни ўхшаш маҳсулотлардан ажратиб олишни таъминлайди. Тасвирий жиҳатдан текширилган чизмачилик, ноёб ранг палитраси, жун сифати ва тўқувчилик бу гиламларни ўзбек тўқимачилигининг ажойиб ёдгорликларига айлантирган.

Самарқанд гиламларидаги турли кўринишларга эга бўлган энг оммавий медальон – марказида ромб ва четлари бурама шохли тенг томонли хоч бўлиб, у шунингдек, силлиқ матоли тўқимачилик (*кайкалак ёки кўчкорак*)да кенг ишлатилади. Бошқа мумтоз кўриниш – саккиз қиррали поғонали ромб ёки хочсимон кўринишга эга 12 та бурама шохли медальон бўлиб, тўшама гиламларда, шунингдек жулхирс ҳамда гилам маҳсулотларида учрайди. Ўзбекларнинг туркман уруғида (Нурота тумани) у чодор муйиз (кўпроқ *напрамачларда* учрайди) сифатида маълум. Ушбу медальонни биз Туркменистон ва Қирғизистон гиламларида учратамиз. Озарбайжон (Муғон, Нахичеван)да у ушбу медальонли гиламлар ишлаб чиқаришувчи вилоят номидан келиб чиқиб *муган-гёль* номи билан маълум. Манзаранинг кенг тарқалиши қадимда ўғузларнинг Ўрта Осиё худудидан то замонавий Туркиягача бўлган кучиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, *муган-гёль* ўрта аср гиламлари орасида яхши маълум бўлган. Европа манбаларида мазкур медальон *мемлинг- гёль* номи билан маълум бўлиб, шундай медальонли гилам XV асрда фламанд рассоми Ганс Мемлингнинг суратида тасвирланган. «*The virgin and child with st. James and st. Dominic presenting the donors and their family*» (хусусан, 12 шох ўрнига фақат 8 та бўлиб, рассом гилам беағидаги ушбу деталга унча аҳамият қаратмаган).

Тоғли Нурота ўзбек-туркманларининг холи гиламлари узининг йирик медальонлари билан ажралиб, *қалкон нусха* сифатида маълум. Бу медальонлар икки-уч қатор бўлиб, ўрта майдонда жойлашган. Медальоннинг асоси – тўртта тенг қисмга бўлинган, устма-уст хочли саккиз бурчак.

Қалкон медальонининг ҳар бир қисмида – иккига айрилган шохга ўхшаш думли ва бошли, тўрт оёқли жонивор тасвири туширилган. Бу шаклни қуш билан бирга туёқли жонзотга ҳам ўхшатиш мумкин. В.Г. Мошкованинг таъкидлашича, баъзан уни «*от*» деб аташган. «Медальонни қисмларга ажратувчи хоч чизиқларида, шунингдек қушни эслатувчи икки шакл жойлашган. Уларнинг бири – узун бўйинли ва қаттиқ суйри елкали қуш боши, иккинчиси эса қисқароқ ва йўғон худди шундай бошни тутиб турибди. Тасвирнинг пастки қисми ё кенг очилган оёқларни, ёхуд кенг асос ва танани эслатади. Бу шакл баъзан қуш шохлар билан алмаштирилган. ...Бу

элементларнинг номи – *қуш ёки қўчқорак* (шоҳ) бўлган. Айрим усталар бу мавзуларни қайтадан жонлантириб, ташқи ўхшаш жиҳатларидан келиб чиқиб, уларни *қўмич ва самовар*, деб аташган»¹⁰.

Саккиз бурчакли медальонлар орасига қўшимча тасвирлар – тўғри ва данданали (кунгурадор) ромблар, саккиз қиррали (ёғдули) юлдузлар, шохсимон ва бошқа шу кабилар жойлаштирилган. Умуман олиб қараганда гиламнинг ўрта жойида хошия фондан устунлик килади. Жияк-гилам тури Нуротанинг барча гилам маҳсулотларида бўлганидек, кенг эмас, қўпроқ турли бўёқдаги кичик кунгурали ромблар панжараси билан тўлдирилган. Жияк фони марказий майдон фониغا нисбатан зид бўлади.

В.Г. Мошкова *қалқон нусха* медальонини геральдик хошия билан безатилган, тотем ва асровчи маъносига эга қадимий жанговар қурол – қалқон тасвири билан боғлайди¹¹. Шу билан бирга унинг номида фақат тотем белгили хошиянинг афсунгарона ҳимоя вазифаси (оддий қалқон тасвири эмас) акс этган бўлиши мумкин. *Қалқон нусха* мавзуси тузилиши ва қиёфаси жиҳатдан туркман уруғларининг, айнан эрсари қизи-лоёқ ва ёвмудларнинг гиламларига яқинлиги билан қизиқиш уйғотади. Қалқон нусха медальонининг тўрт қисми туркман анъанасига оид бўлган диагональ бўёқ рангларга эгадир. Бундай ўхшашлик қалқон нусха фақатгина оддий медальон эмас, балки туркман гиламлари гёлларига хос ҳолда уруғнинг «герби», «гёль» вазифаларини бажарган, деган хулосага келиш имконини беради.

Яна бир машҳур медальон, бу – Нурота гиламидаги *муъиз нусхасидир* (шоҳлар шакли). Унинг замирида дашт санъат намуналарига мансуб мумтоз услуб, яъни маълум бир шаклий ўзгаришларга эга шоҳ шаклидаги *қайқалак* (*қўчқорак*) – тенг томонли хоч тасвири ётади. Квадрат ёки тўғри бурчак қилиб қизилган бурама шоҳ шаклидаги хоч туқилган бўлиб, ранг ёрдамида хоч нурлари орасида фонга урғу беради, бу эса суратга бутунлай янги оҳанг инъом этади: фон хошияга, хошия эса фонга сингади.

Муъиз нусха мавзуси, шунингдек *энгси* (*энси*) – муъизтак беагига хос бўлиб, ўтовлар деворига парда сифатида осилган. *Энгси* – туркманча атама. У Ўзбекистоннинг худуди – Нурота туманида сақланиб қолиб, ўзбекларнинг туркман уруғининг муштарак маданий илдизига эга эканлигидан далолат беради. XIX аср охирида шунга ўхшаш безакли тўшама гиламларнинг *энгси* деган тури пайдо бўлди. Бундай эркин талқин гиламларни сотишга тайёрлаган чеварларнинг қонун-қоидаларга изчил амал қилмаганлиги билан изоҳланади. *Қарчин* буюм қошларининг безаклари *муъиз нусха қарчин гёль* деб аталган¹².

Нурота гиламларида *қалқон* ва *муъиз нусхадан* ташқари анча жўн бўлган бошқа медальон шакллари ҳам мавжуд. В.Г. Мошкова сураб-суриштирган кекса чеварларнинг таъкидлашича, улар мустақил хусусиятга эга бўлмай, марказий майдоннинг қўшимча тасвири вазифасини бажарган ва ўз ишини енгиллаштирмоқчи бўлган таж-

10 Уша ерда: 73.

11 Уша ерда: 76 б.

12 Там же: 77.

рибаси кам чеварлар томонидан ишлатила бошланган¹³. Умуман олганда, Нурота ўзбеклари тўқимачилиги туркман анъаналари билан узвий алоқани сақлаб қолган.

Нуротанинг маиший тукли маҳсулотларининг энг оммавий тури – *карчин* ҳисобланади (*напрамач* – маҳаллий номи катта буюм қоплари). *Карчинлар муйизнусха* кўринишида безатилиб, янгича *карчингель* деб аталган. Бошқа яна кўп қўлланилган тасвир бу – *мемлинггелдир* (четлари шохли гажакли кунгурадор ромб), чеварлар уни турли хил, яъни: *човдормуйиз, от-оёк, зарбофнусха* деб аташган.

Нурота гиламларида усимликсимон безаклар ниҳоятда кам учрайди. Улар асосан тўшама гиламлар, хуржун ва тўрва халтанинг жияк (хошия)ларида учрайди. Бу *хироти* шаклининг турли кўриниши бўлиб, унда *пальметта* кунгурадор шаклга айланиб, унинг фонда шохлар тасвирланади, *ислимиий* барглари эса – битта пальметтани иккинчиси билан боғловчи диагональ чизиқли яна бир кунгурадор барг, яъни оддий учбурчакдир. Баъзан ниҳоятда соддалаштирилган ва геометрик шакллантирилган гултўпи учраб, у афтидан ўзининг гултўпи тасвирлари билан машҳур бўлган Нурота каштачилигидан ўзлаштирилган. Бундан ташқари, бу ерда *абр* нақшларига таклидни ҳам кўриш мумкин.

Қирқилган гиламларни кўнғиротлар ҳам тайёрлашган. ХХ аср ўртасига келиб бу анъана инкирозга юз тутиб, ҳозирда кўнғирот жунли гиламларининг фақат айрим намуналари музейлар коллекциясини тўлдириб турибди.

Ўзбек жунли гиламларидаги композициялар ва нақшинкор мавзуларнинг хилма-хиллигида биз услубда маълум бир умумийликни – геометрик шакллардаги суратлар, хошия ва фоннинг бир бирига зидлиги, контур чизиқларидан фаол фойдаланиш, суратнинг ифодалиликка урғу бериши, бўёқлар уйғунлиги борлигини таъкидлашимиз мумкин. Безакларда силлиқ матоли маҳсулотларга хос нақшлар, умуман дашт-чўл дунёси маданиятига оид белгилар: космогония, тотем ишоралар, уруғ тамғалари асосий ўрин тутган.

ХІХ асрда ва ХХ аср бошларида гилам ва гилам маҳсулотларидаги безакларда диний-маросимий тасаввурлар

Гиламдаги сурат ўз-ўзидан матн ўрнида келиб, унда деярли ҳар бир унсур маълум бир тушунча ва нарсанинг рамзий шакли бўлиб хизмат қилган. Ҳарф безаклари замирида сеҳр-афсун формуласи жам бўлган, ўзида чорвадорнинг ҳаёти билан боғлиқ кўп киёфаларни мужассамлаштирган. Бутун бошли композиция, бу – дунё моделидир. Гилам хошияси бало-қазолардан, кўз тегишидан асровчи аҳамият касб этади. Тўқувчиларнинг бадиий тафаккурида тасвирни «қодлаштириш» қобилияти пайдо бўлди.

Гиламлардаги бутун геометрик безакларни нақшлар мавзусидан келиб чиқиб бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

13 Ўша ерда: 76 б.

– **космогоник белгилар:** хоч, поғонасимон ва кунгурадор ромблар саккиз ёғдули юлдузлар, квадратлар (обод қилинган кентлик, қўриқланадиган ҳудуд), гирдобли белги, *меандр* (сув, унумдорлик, ҳаёт оқими) кўринишидаги медальонлар;

– **зооморфик тасвирлар:** асосан шохлар, шунингдек турли-туман ҳайвон номидаги геометрик элементлар шакли: *туя буйин, ит изи, курбака, хужиз кўзи, каклик тўши, аждаҳо* ва бошқалар. Уларнинг барчасини тотемизм билан ибтидоий алоқа боғлаб туради. Бу гуруҳ мавзулари ҳайвонларни бадиий анъаналар, мажозий маънолар асосида ифодалашга чорлайди;

– **ўсимлик шакллари:** улар кўпроқ *ҳоч-энли* гиламларида учрайди. Айтиш жоизки, гиламда бундай шаклларни акс эттириш кейинроқ – кўчманчи ҳаёт аста-секин ўтrockлашиб, зироатчилик маданиятига мослаша бошланганидан сўнг юзага келган;

– **ашёлар мавзуси:** айни вақтда сеҳр-жоду мазмунига эга бу нарсалар асосан кўчманчилар маиший турмушига тааллуқлидир. Улар орасида *куйгур* (*қозокча сабу*) – қимиз учун тери идиш, *керага* – ўтовнинг панжарасимон гавдаси, *пичок учи, тарок, тумор*. Бу гуруҳга асосан маиший буюмлар акс этган тамға белгиларини ҳам киритиш мумкин.

– **хизмат унсурлари** – безакнинг йирикрок мавзуларини узук, тўлқинсимон йўлаклар, синган чизиклар сингари майдалари билан боғлашга хизмат қиладиган геометрик шакллар.

Номи қайд этиб утилган қарийб барча нақш мавзулари Ўрта Осиё ва туркийдашт халқлари миграциясига учраган мамлакатларнинг гиламчилик санъатида анъанавий тус олган.

Шакл юзага келишининг ягона воситалари баъзида мавзуларнинг у ёки бу гуруҳга тегишлилигини аниқлашда қийинчилик туғдиради. Маънонинг йўқолиши билан ўзгариш, суратнинг соддалашуви, фақат бадиий аҳамиятга эга унсурларнинг декоратив белгиларга айланиши рўй беради. Нақш ишлашнинг ҳаддан ташқари ифода воситасига айлантирилиши унинг воқелик дунёси билан нечоғлик алоқадорлиги борасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Шу сабабли ҳам гиламларни безаш нафислигининг тикланиши тадқиқотчилар олдида турган қизғин масалалардан биридир.

Гилам нақшларидаги энг оммавий мавзу – пойгакдаги ромб билан тенг томонли хоч ва шох шаклидаги унсурлардир. Биз бу шаклларни Олтойдан тортиб Кичик Осиёгача бўлган ҳудудда тайёрланган гиламларда учратамиз. Бу ўз навбатида чорвадорларнинг кўчманчи ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Белгининг барқарор бўлгани, мисли кўрилмаган катта ҳудудда тарқалгани унинг дашт аҳолиси учун гоёт муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради. У дашт халқларининг дини, тангрига сиғинишининг яққол белгиси саналади. Унинг сақланиб қолган – *хайкалак*, *от хайкали* сингари номлари шуни англатадики, у сажда қилинувчи қиёфа сифатида тасаввур қилинган. Тангричилик космогониясига мувофиқ бутун дунё бу – ўзаро боғлиқ ҳаракат ва эркак ҳамда аёл бошланишидан иборат. Тангри (осмон, олов) ва Ер-Сув. Тангри бундай ҳолда вертикал, маънавий, фаол эркак боши

мавқеида, Ер-Сув – горизонтал (аёл бошланиши, моддийлик, барқарорлик). Ниҳоят хоч белгиси нурлари кесишув нуктасида ромб жойлашадики, бу ўз навбатида унумдорлик, ҳосилдорлик ғоясини ифодаловчи қадимий рамзлардан бири эканлигига ишора қилади. У ўз навбатида ақл билан, барча жонзотга ҳаёт ато қилган илоҳа билан бирлашади. Шундай қилиб хоч шаклини дунёнинг негизи материя билан руҳ, деб билувчи таълимот ва унинг келиб чиқиш манбаи ғоясини сингдирган ўзига хос космограмма сифатида қуриш мумкин. Хоч пойида шохларнинг Тангри, илоҳнинг гавдалантирувчи сифатида қўйилиши мантиқан тўғри. Қадимий маданиятда шохлар тасвири орқали нафақат ҳайвонот олами, балки тангрилар ҳам ифодаланган.

Кайкалак мавзуси кенг тарқалгач, ўзида ҳаётни тасдиқловчи ва ҳимоя қилувчи туншунча ўларок туркийларнинг универсал рамзига айланди. Гиламдаги безакларда у кучли асровчи, фаровонлик, ҳосилдорлик ва тўқчилик рамзи сифатида намоён бўлади.

Чорвачилик билан шуғулланувчи уруғлар ҳаётида *тамга* белгилар катта ўрин тутган, муҳр ўрнида қўлланган, маълум бир оила, қабила, уруғ белгиси бўлиб хизмат қилган. Масалан, *богонали* уруғи *бакан тамга* (бакан сўзидан – хода, утов гумбази-ни кўтариб турган)дан, *тарли ок* уруғи уч тиш тасвирланган *тарок тамгадан* олган¹⁴. *Кипчок тамгалар* – икки вертикал чизиқ ёки икки пичоқ–*икипчок* деб айтилган. Кўри-ниб турибдики, пичоқ учи шаклининг прототипи – *утқир пичоқ*, *гажари* хошиясидаги оммавий машҳур белги. Кези келганда айтиш керакки, пичоқ ҳам чорвадор, ҳам ўтроқлашган зироатчи уруғлар маданий ҳаётида оммалашган белги бўлган. Кесувчи-қирқувчи бу буюм мисолида қуриқчи-муъжизакор куч идрок қилинган.

Кўчманчи турмуш тарзи барҳам топгач тамга аста-секин ўзининг белгиловчи-ифодаловчилиқ қийматини бой берди. Бирок шунга қарамай маиший буюмларни, жумладан, гиламларни безаш жараёнларида этноним безак сифатида сақланиб қолди. Аммо тамганинг илк шакли мазмун-моҳиятини тиклаш эндиликда қийин.

Умуман олганда, ўзбекларнинг текис матоли ва жунли гиламлари беага бизни қадимги маданият ва тамаддунга етакловчи тарихнинг ҳақиқий солномаси сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Мавзуларнинг асосий қисми – дашт космогонияси ишоралари, илоҳлар тимсоллари ва замирида маъно мужассамлаштирилган ҳомий ҳайвонлар, асровчилар ва тамга белгилар, гуллаб яшнаш ва унумдорлик рамзларидан иборатдир. Шу билан бирга даштда кун кечирган одамзотнинг дунёқараши, унинг дунё тартиботига оид ҳаёлоти умум композициясидир. Гиламлардаги безаклар умуман афсункор-қуриқчи ҳамда яхшилик соғинувчи мазмунда бўлган. Хошия нақшлар нафосати асрлар қаъридан XX асргача етиб келган. Ўз яратувчилари тасавурида улар ҳаётнинг давомийлиги ва инсон авлодининг яшовчанлигини таъминлади, ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиб келди, шунинг учун бундай санъат

14 Сулейменов, 1975: 76 б.

дурдоналарини тўлақонли равишда «олий яратувчи кучларга қарата қилинган ибодатнинг ёзма варианты» сифатида қабул қилиш мумкин¹⁵. Улар асрлар элагидан нақшинкор безакнинг ўзгармас манбаи сифатида бешикаст ўтиб келди. Фақат маълум вақтга келиб, яъни кўчманчилик якун топганидан кейин мавзулар маъноси бошқача ифодага кирди. Лекин барибир уларга нисбатан ҳаёт давомийлиги ва фаровонликни таъминловчи дуоғўйлик рамзи сифатида муносабатда бўлиш сақланиб қолди.

Жойнамоз: диний маросимлар ва рамзлар бирлиги

XIX аср ва XX аср бошларида ўзбек гиламларида «дашт» мавзуси етакчилик қилаётган бир даврда амалда ислом дини расм-русумлари билан боғлиқ ишланган буюмлар – *жойнамоз*, яъни ҳар куни беш вақтлик ибодатга мўлжалланган гиламчалар ҳам бор эди. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз ибодат гиламига эга бўлган. Баъзан бундай гиламчаларнинг бир нечтасидан (иккита ва ундан кўп) ягона жойнамоз ҳосил қилинган. Бундай «жамоат» ибодат гиламларидан (*сафилар*) уйдаги аёллар ёки масжидларда фойдаланишган.

Жойнамозда *мехробнинг* тасвири бўлиши шарт бўлиб, у масжиднинг марказий жойини ифодаловчи, аркасимон кўринишида бўлиб, ибодат қилувчи ўзининг дуоларини ўша томонга йўналтирган.

Қизиғи шундаки, арка фонидаги шундай диний белгили *мехроб* композицияларининг бундай кўринишлари илк ўрта аср ёдгорликларидан маълум: улар буддавийлик, зардуштийлик ва митрайлик иконографикаси учун хос бўлган. Эҳтимол илохий дунёга кириш йўли ҳисобланган аркалар, сажда тасвирларидан мустасно ҳолда ислом динига мослаштирилган. Шу туфайли ислом дини тарқалгунга қадар эҳромлар деворидаги муқаддас тоқчалар – худолар дарвозасига олиб қирувчи муқаддас йўлак (туйнук) вазифасини ўтаган деб тахмин қилинган¹⁶.

Ўзбек хонлиқларида жойнамозлар ипак ёки пахта матосидан, нақшли гул безаклар билан безатилган, худди шунингдек гиламлар ҳам. Биринчиси аёллар томонидан уй шароитида ёки эркаклар томонидан шаҳарлар устахоналарида хон саройи буюртмаси асосида тайёрланган. Гиламга келсак, улар чорвадорлар томонидан ҳам бозор эҳтиёжларига, ҳам оилавий эҳтиёжларга жавоб берадиган қилиб тикилган. Бухоро бозорига диний маросимлар учун энг йирик гилам етказиб берувчилар АЎО ҳудудининг туркман гиламчилари бўлган.

Ўзбек хонлиқларида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ипак ва пахта матоларидан кашталар билан безатилган *жойнамозлар* тикишган, ўша даврларда жунли, текис гиламлар тўқиш билан эса кўпроқ маҳаллий чорвадорлар шуғулланишган. Пештоқ шаклида ишланган чўққили *мехроб* билан тамомланган кўчкор шохи тасвири ажралиб тура-

¹⁵ Кокумбаева, 2012: 111 б.

¹⁶ Воронина, 1958: 72 б; Пиотровский, 1959: 208, 221–225 б.

диган жихатларга эга. Чорвадорлар шохлар воситасида одатий сиғиниш ва тотемларни ўхшатишган, уларни фаровонлик ва бахт-саодат билан боғлашган.


Ўзига хос ажойиб ва энг машҳур жамоавий *жойнамоз*, яъни *саф*, амир Сайид Музафариддин Баходирхон (1860–1885 йиллар ҳукмронлик қилган) томонидан 1874 йилда Бухородаги Лаби Ховуз масжиди учун берилган буюртма асосида тайёрланган. 36×18 м ўлчамдаги бу *жойнамоз* гилам туғридан-туғри Лаби Ховуз майдонида бир йил давомида чоржўйлик 18 нафар туркман (эрсарилар) ва шофирконлик икки нафар ўзбек томонидан туқилган¹⁷. Ж. О'Баннон тахминига кўра гилам ҳажми 9–10×5 м дан ошмаган. Инқилобдан кейин 1920 йилда гилам бўлақларга ажратиб, киркилади. Айни пайтда унинг, айрим фрагментлари тақдирига оид маълумотлар бор.


Оқ фон, график жихатдан аниқлик, кескин фарқ қилувчи суратлар ва образларнинг уйғун ранглангани билан *жойнамоз* қатъий ва улуғвор кўриниш касб этган.

XX асрда ибодат гиламларини туқиш фақат вилоятларда сақланиб қолди.

Жойнамозлар нақшининг мазмунан бойлиги, жамиятдаги табақаларнинг турли даврда дунёни англашга оид маънавий тасаввурлари мазкур турдаги гиламларни ўтмиш ва бугун ўртасида битмас-туганмас кўприк-манбага айлантиради.

17 Moshkova, 1996: 292.





Қохма гилам

Ўзбеклар. Шимолий Афғонистон ёки Сурхандарё,
XIX аср охири.

410×160 см. Жун, табиий ранглар.
Нақшларнинг йўқлигига қарамай, тирмада
ва рангли гамма уйғунлигиди-билмиши-гилам
жозибadorлигини камайтирмайди.

«Estudio H» галереяси Испания. Сурат Жозе Луис
Херреро Тежеро томонидан лутфан тақдим
қилинган

Copyrightphoto: estudioH.

Kohma Gilam

Uzbek. Northern Afghanistan or Surkhandarya, late
19th century.

410×160 cm. Wool, natural dyes.

The absence of ornamentation does not make this
carpet any less attractive, due to its balanced and
harmonious palette.

EstudioH Gallery (Spain). Photograph by courtesy of
Jose Luis Herrero Tejero.

Copyrightphoto: estudioH.

Қохма гилам

Ўзбеки. Северный Афганистан или Сурхандарья,
конец XIX в.

410×160 см. Шерсть, натуральные красители.

Отсутствие орнамента не лишает этот
ковёр привлекательности, создаваемой
сбалансированной и гармоничной цветовой
гаммой.

Галерея «Estudio H», Испания. Фотография любезно



Инв. № 3904/2

Кохма гилам

Ўзбеклар. Қашқадарё вилояти,
XX аср уртаси. Жун, силлик юнгли
туқимачилик. Силлик юнгли йўлакчалар
чумчук, чумчук-қуз нақшлари билан
уйғунлашган – қатор майда ромблар
қуринишида оддий нақш. У қуз тегишидан

Inv. No. 3904/2


Kohma Gilam

Uzbek. Kashkadarya region, mid-20th
century. Wool, flat-woven weaving. Flat-
woven strips are combined with ornamented
strips featuring the *Chumchuk*, *Chumchuk-
Kuz* (Uzb. sparrow's eye) motif, which
was a highly simple pattern of a row of
small rhombuses. It was believed to offer

Инв. № 3904/2

Кохма гилам

Ўзбеки. Қашқадарьинская область,
середина XX в. Шерсть, гладкотканое
ткачество. Неорнаментированные полосы
сочетаются с орнаментированными
(мотивы чумчук, чумчук-куз (узб. глаз
воробья) – простейшие узоры в виде
ряда мелких ромбиков). Считалось, что
узоры на коврах этого типа предохраняют



Терма гилам

Ўзбеклар. Шимолий Афғонистон ёки Сурхондарё, 1900-1920 йй. 337×182 см. Жун, табиий бўёқлар.

Тор нақшинкор йўллар бу кўринишдаги гиламларда бир оҳангдагиси билан алмашади. Майда, сочилган расм яхши сифатидан, безакларининг пухталигидан далолат беради. Нақшлар Сурхондарё минтақаси учун хос.

«Estudio H» галереяси Испания.

Сурат Жозе Луис Херреро Тежеро томонидан лутфан тақдим этилган.

Copyrightphoto: estudioH.

Terme Gilam

Uzbek. Northern Afghanistan or Surkhandarya, 1900–1920s. 337×182 cm. Wool, natural dyes.

In carpets of this type narrow ornamented stripes alternate with plain ones. Its tiny, fragmented pattern speaks for its high quality and thorough work. The ornaments are typical of the Surkhandarya region. EstudioH Gallery (Spain).

Photograph by courtesy of Jose Luis Herrero Tejero.

Copyrightphoto: estudioH.

Терме гилам

Ўзбеки. Северный Афганистан или Сурхандарья, 1900–1920 гг. 337×182 см. Шерсть, натуральные красители.

Узкие орнаментированные полосы чередуются в коврах этого типа с однотонными. Мелкий, дробный рисунок свидетельствует о хорошем качестве и тщательности выделки. Узоры типичны для Сурхандарьинского региона.

Галерея «Estudio H», Испания.

Фотография любезно предоставлена Жозе Луисом Херреро Тежеро.

Copyrightphoto: estudioH.





Инв. № 3617

Терма гилам

Ўзбеклар. Сурхондарё ёки Қашқадарё вилояти, XX асрнинг иккинчи ярми. Жун, нақшли туқимачилик. Гиламнинг ҳар бир панели нақшли ва нақшсиз чизиқлардан иборат. Биринчи нақш – учбурчак асосида бирлашган шохлар гажаги, юқоридан ва пастдан – Сурхондарёда маълум бўлган *қул солдидан* ташкил топган. Номланиши нақшнинг дастлабки маъноси кучқор мумтоз мотивидан узоқлашганидан далолат беради. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи, Самарқанд.

Inv. No. 3617

Terme-Gilam

Uzbek. Surkhandarya or Kashkadarya region, late 20th century. Wool, pattern weaving. Every panel of the carpet consists of flat-woven and ornamented stripes, which feature a pattern of which – repeating triangles with connected bases and horns on top and at the bottom – is known in Surkhandarya as *Kul Soldi* (possible translation – hand made pattern).

This name shows that the initial meaning of the ornament, which was derived from the classical *kaikalak* motif (*kuchkorak*), was lost.

State Museum of Cultural History of Uzbekistan, Samarkand.

Инв. № 3617

Терме гилам

Ўзбеки. Сурхандарьинская или Кашқадарьинская область, вторая половина XX в. Шерсть, узорное ткачество. Каждая панель ковра состоит из орнаментированных и неорнаментированных полос. Узор первых – соединенные основаниями треугольники с завитками рогов сверху и снизу – известен в Сурхандарье как *кул солди* (возможный перевод – узор, выполненный от руки). Название свидетельствует об утрате изначального смысла узора, производного от классического мотива *кайкалак* (*кучкорак*). Государственный музей истории культуры Узбекистана, Самарқанд.

Терма гилам

Ўзбеклар. Қашқадарё вилояти, 2000-йиллар.
Жум, нақшли туқимачилик. Гиламнинг ҳар бир панели силлиқ юнгли ва нақшли йулаклардан иборат. Биринчи нақш - учбурчак асосида бирлашган, пастки ва юқори томонларда шох образли гажаклар безакнинг асоси. Бундай талкин мумтоз расмларнинг борган сари соддалашгани, шунингдек, уларнинг маъноси йуқолиб бораётганидан далолат беради. «Бухоро ипак гиламлари» корхонаси мулки, Бухоро.

Terme-Gilam

Uzbek. Kashkadarya region, 2000s. Wool, pattern weaving. Every panel of the carpet consists of flat-woven and ornamented stripes, which feature a pattern of triangles with their bases connected, and the fully stylized horns on top and bottom form a sort of reduced "bows." This interpretation is the evidence of the gradual simplification of classical ornaments, accompanied by their loss of meaning. Property of Bukharian Silk Carpets Enterprise, Bukhara.

Терме гилам

Ўзбеки. Кашқадарьинская область, 2000-е гг.
Шерсть, узорное ткачество. Каждая панель ковра состоит из орнаментированных и неорнаментированных полос. Узор первых — соединенные основаниями треугольники с максимально стилизованными завитками рогов сверху и снизу, превратившиеся в редуцированные «бантики». Такая трактовка — свидетельство постепенного упрощения классических рисунков, сопровождавшегося также утратой их смыслов. Собственность предприятия «Бухарские шелковые ковры», Бухара.





Ғажари гилам

Ўзбеклар. Мозори Шариф (Афғонистон) ёки Сурхондарё (Ўзбекистон), 1900 й. 185×178 см. Жун, табиий бўёқлар. Ушбу гилам бир қарашда илғаб бўлмайдиган олти нафар эркак тасвирини ифодалайди (кушни йулакларда учтадан). Афтидан юриш саҳнаси тасвирланган. Расм шартли, елка ва тана ён томондан, оёқ ва қадамлар кундалангига чизилган. Илк жинсий аломатлар акс этган. Одамсимон тасвирлар ўзбекларнинг сунги урта аср гиламларида ўта ҳамданкам учрайдиган ҳолат бўлгани учун уни мутлақо қизиқарли намуна дейишимизга асос бўла олади. EstudioH галереяси(Испания). Сурат Жозе Луис Херреро Тежеро илтифоти билан тақдим этилган. Copyrightphoto: estudioH.

Gajari gilam

Uzbek. Mazari-Sharif (Afghanistan) or Surkhandarya (Uzbekistan), 1900, 185×178 cm. Wool, natural dyes. This carpet features the images of six male figures (three for each neighboring stripe) difficult to distinguish at first glance. It is most likely a parade scene. The design is conventional, the shoulders and body are depicted full-face, and the legs and feet — half face. Primary gender characters are accentuated. Anthropomorphic images are quite rare in late-medieval Uzbek carpets, making this item of exceptional interest. EstudioH Gallery (Spain). Photograph by courtesy of Jose Luis Herrero Tejero. Copyrightphoto: estudioH.

Ғаджари гилам

Ўзбеки. Мазари-Шариф (Афганистан) или Сурхандарья (Ўзбекистан), 1900 г. 185×178 см. Шерсть, натуральные красители. Данный ковер содержит изображения шести мужских фигурок (по три в соседних полосах), незаметных на первый взгляд. Возможно, изображена сцена шествия. Рисунок условен, плечи и туловище переданы в фас, ноги и ступни — в профиль. Подчеркнуты первичные половые признаки. Антропоморфные изображения крайне редки в позднесредневековых коврах узбеков, что позволяет рассматривать этот экземпляр как исключительно интересный. Галерея «Estudio H», Испания. Фотография любезно предоставлена Жозе Луисом Херреро Тежеро. Copyrightphoto: estudioH.





Инв. № 2005.049.000

Ғажари гилам (парча)

Кунгиротлар.

1900-йиллар боши.

Жун.

Тужсиз туқимачилик.

182×176 см.

Калгари университетининг «Nickle
Galleries» галереяси, Канада

Inv. No. 2005.049.000

Gajari gilam (fragment)

Kungrat.

Early 1900s.

Wool.

Flat-woven.

182×176 cm.

The Nickle Galleries, the University of
Calgary, Canada.

Инв. № 2005.049.000

Ғажари гилам (фрагмент)

Кунграты.

Начало 1900-х гг.

Шерсть.

Безворсовое ткачество.

182×176 см.

Галерея «Nickle Galleries» Университе
Калгари, Канада.





Инв. № 2005.049.000

Ғажари гилам (парча)

Қунғиротлар.

1900-йиллар боши.

Жун.

Туксиз туқимачилик.

182×176 см.

Калгари университетининг «Nickle
Galleries» галереяси, Канада

Inv. No. 2005.049.000

Gajari gilam (fragment)

Kungrat.

Early 1900s.

Wool.

Flat-woven.

182×176 cm.

The Nickle Galleries, the University of
Calgary, Canada.

Инв. № 2005.049.000

Ғаджари гилам (фрагмент)

Кунграты.

Начало 1900-х гг.


Шерсть.

Безворсовое ткачество.

182×176 см.

Галерея «Nickle Galleries» Университета
Калгари, Канада.





Инв. № М48
Ғажари гилам


Кунгиротлар.
Сурхондарё вилояти. 1900-йиллар боши.
Жун.
Силлиқ тўқимачилик.
266×142 см.
Калгари университетининг
«Nickle Galleries» галереяси, Канада

Inv. No. M48
Gajari gilam

Кунграт.
Surkhandarya region,
Early 1900s.
Wool.
Flat-woven.
266×142 cm.
The Nickle Galleries, the University of
Calgary, Canada.

Инв. № М48
Ғаджари гилам

Кунграты.
Сурхандарьинская область,
начало 1900-х гг.
Шерсть.
Гладкотканое ткачество.
266×142 см.
Галерея «Nickle Galleries» Университета
Калгари, Канада.





Инв. № M51

Қиз-гилам

Силлик матоли туй пардаси.
Узбек лакайлари 1870-йиллар
Жун. Улама, гажари услуби.
335×150 см.
Томас Коул туплами, АКШ.

Inv. No. M51

Kiz-gilam

Flatwoven wedding curtain, stitched
together bands. Wool. *Gajari* technique.
335×150 cm. 1870s. Lakai Uzbek.
The Thomas Cole collection, USA.

Инв. № M51

Қиз-гилам

Гладкотканый свадебный занавес.
Узбеки-лакаи. 1870-е гг. Шерсть.
Сшивной, техника *гаджари*. 335×150 см.
Коллекция Томаса Коула, США.





Инв. № 11/18

Гажари гилам

Ўзбеклар. Сурхондарё вилояти, XX асрнинг биринчи ярми. Жун, нақшли тўқимачилик. Гилам турли-туман геометрик услубга солинган нақшлари, тор чизикда жойлаштирилган нақшдаги тахта безаги билан ҳайратга солади. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи, Самарқанд.

Inv. No. 11/18

Gajari gilam


Uzbek. Surkhandarya region, early 20th century. Wool, pattern weaving. This carpet fascinates with its variety of stylized geometrical ornaments placed in narrow stripes, creating the panel pattern. State Museum of Cultural History of Uzbekistan, Samarkand.

Инв. № 11/18

Гажари гилам

Ўзбеки. Сурхондарьинская область, первая половина XX в. Шерсть, узорное ткачество. Ковер восхищает разнообразием стилизованных геометрических узоров, размещенных в узких полосах, из которых состоит декор панелей. Государственный музей истории культуры Узбекистана, Самарканд.







Ғажари гилам

Ўзбеклар. Қашқадарё вилояти,
XX асрнинг иккинчи ярми. 300×160 см.
Жун, нақшли тўқимачилик.

Юқоридан килим нақшли йўлакда
тикилиши (кенглиги 25 см) гиламнинг
деворга осиладиган вазифасини
ўтаганлигини кўрсатади. Ўзаро чаптишиб
кетган шохларнинг фонсиз композицияни
хосил қилиши йўлакнинг нақшида акс
этган. Гилам асосий қисмининг безағи
бу турдаги маҳсулотлар учун хос. Бу S
белгилар тож, сирга мотивлари, ромблар
ва учбурчаклар занжири, шох образли ва
бошқа геометрик мотивлар тахталарнинг
тор панелидан ўрин олган. «Бухоро ипак
гиламлари» корхонаси мулки, Бухоро.

Gajari gilam

Uzbek. Kashkadarya region, late 20th century,
400×190 cm. Wool, pattern weaving,
plattting. Judging by the upper pattern
stripe made using the Sumak technique and
decorated with tassels (20 cm width), this
carpet was hung on the wall. The pattern is
typical for items of this kind. These include
S-signs, comb and earring motifs, chains of
rhombuses and triangles, and horn-shaped
and other geometrical patterns arranged in
the narrow takht panels. Property of
Bukharian Silk Carpets Enterprise, Bukhara.

Ғаджари гилам

Ўзбеки. Қашқадарьинская область, вторая
половина XX в. 300×160 см.
Шерсть, узорное ткачество.

Судя по нашитой сверху килимной
узорной полосе (ширина 25 см), ковер
выполнял функции настенного. Рисунок
полосы — взаимопереплетающиеся рога,
образующие бесфоновую композицию.
Декор основной части ковра типичен
для изделий данного типа. Это знаки S,
мотивы гребня, серег, цепочки ромбов
и треугольников, рогообразные и иные
геометрические мотивы, расположенные
в узких панелях тахтов. Собственность
предприятия «Бухарские шелковые
ковры», Бухара.







Атлас гилам

Қатагон ўзбеклари. Лайлаган қишлоғи,
Шеробод, Сурхондарё вилояти. 1980-йиллар.
Килим тўқимачилиғи.

Ўзига хос тарқсимон четлари, иккита ёнма-ён
рангларни ажратиб турувчи попуқ нақш абр
матого ўхшаб яратилганини кўрсатади. Безак
гиламга атлас гилам номи берилган.
Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи,
Самарқанд.

Atlas gilam

Uzbek-Katagan. Lailagan village, Sherabad,
Surkhandarya region, 1980s. Kilim weaving.
A unique fringe that divides two neighboring
colors shows that the pattern was created as an
imitation of *abr* (ikat) fabrics. The pattern also
gives the carpet its name, *Atlas-Gilam*.
State Museum of Cultural History of Uzbekistan,
Samarkand.

Атлас гилам

Ўзбеки-катаганы. Кишлак Лайлаган, Шерабад,
Сурхандарьинская область. 1980-е гг.
Килимное ткачество.

Своеобразные гребенчатые края,
разграничивающие два соседних цвета,
указывают, что узор создавался в подражание
абровым (икатовым) тканям. Декор
предопределил и название ковра – *атлас
гилам*.

Государственный музей истории культуры
Ўзбекистана, Самарқанд.



Инв.№ 3541

Килим

Араблар ёки ўзбеклар. Қашқадарё вилояти, XX асрнинг иккинчи ярми. Жун, килим тўқимачилиги. Бундай безакли гиламларни ҳамма жойда тўқишарди. Кунгурадор ромб композициянинг асосий унсури. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи, Самарқанд.

Inv. No. 3541

Kilim


Arab or Uzbek. Kashkadarya region, late 20th century. Wool, kilim weaving. Carpets with such patterns were woven everywhere. Denticular rhombuses, the main element of the composition, serve as the decorative motif. State Museum of Cultural History of Uzbekistan, Samarkand.

Инв. № 3541

Килим

Арабы или узбеки. Кашкадарьинская область, вторая половина XX в. Шерсть, килимное ткачество. Ковры с подобным декором ткали повсеместно. Зубчатый ромб, основной элемент композиции, выступает на правах декоративного мотива. Государственный музей истории культуры Узбекистана, Самарканд.





Араби гилам

Араблар. Қашқадарё вилояти, 1970-йиллар. 316×182 см. Ўн қатлам тўқимачилиги, анилин ранглардан. Медальон-ромблар шорча шаклидаги чорвадор қабилалар қаръида ҳол. Медальонлар ўлчамининг фарқлиги гилам безагига маҳобатли нус баерди. Узбекистон давлат санъат музейи, Тошкент.

Arabi gilam

Arab. Kashkadarya region, 1970-s, 316×182 cm. Wool, Kilim weaving; aniline dyes. Medallion rhombuses surrounded by horn-shaped curls are typical in the art of cattle breeding tribes. The large size of the medallions brings in the monumental style to the pattern.

The State Museum of Arts, Tashkent, Uzbekistan.

Arab

Arab. Kashkadarya region, the 1960s.
367×167 cm. Warp – cotton, weft – wool, Kilim
weaving, aniline dyes.


Ushbu kilimning bezaklari – zinali romblar va
qushaloq uchburcamlar – anʼanaviy motivlar
va kompozitsiyalarining bezakli talqini.
Oʻzbekiston davlat sanʼat muzeyi, Toshkent.

Arabi gilam

Arab. Kashkadarya region, the 1960s.
367×167 cm. Warp – cotton, weft – wool, Kilim
weaving, aniline dyes.

This carpet's ornaments – stepped rhombuses
and paired triangles – represent a decorative
interpretation of traditional motifs and







Беш-кашта

Ўзбеклар. Бедона қишлоғи, Самарқанд вилояти, 1910–1915 йй.

Жун. Беш-кашта услуби, ғажари, қохма техникаси.

Беш-кашта техникасида туқилган йўлакларда оқ фондаги қушалоқ шохлар ва ромблар ифодаланган. Ғажари йўлагида бирмунча геометрик шакл берилган мотивлар мавжуд. Безак рамзи хосилдорлик ғояси билан йўғрилган. Гиламнинг узун томонларидан бирида килим техникасида туқилган, учбурчак туморлар кетма-кетлиги кўринишидаги нақшдан иборат қушимча тор чизиқ бор. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи, Самарқанд.

Besh-kashta

Uzbek. Bedona village, Samarkand region, 1910–1915.

Wool. *Besh-kashta*, *gajari*, *kohma* technique.

Here stripes woven using the besh-kashta technique feature the classic ornament of paired horns (on a white background), and rhombuses surrounded by horns. Whereas the gajari stripes have geometrical motifs with smaller elements. The symbolism of the pattern is connected with the idea of fertility. On one of the long sides of the carpet there is an additional narrow stripe woven using the kilim technique, which features an ornament with alternating triangle amulets.

State Museum of Cultural History of Uzbekistan, Samarkand.

Беш-кашта

Ўзбеки. Кишлак Бедона, Самарқандская область, 1910–1915 гг.

Шерсть. Техника *беш-кашта*, *гаджари*, *кохма*.

